



ИШОНЧ

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

13

1994 йил
26 март
1 апрель
(155)



Тошкент, 1994 йил 21 март.

Ўлкамизда баҳор кезади

ҲАР КУНИМИЗ — НАВРЎЗ

Мустақил юртимизнинг миллий байрами Наврўз баҳона бутун борлик атласдай товланиб кетган бугун. Қуеш эгагига оқ булут боғлаб гўе томошага чиқади ҳар куни. Ёлқир ранг қизгалдоқлар кўрпа ейган қир-адирлардан енгил майин шабада ёмгирдан сўнг ранг-баранг товланган камалак мисол байроқларни хил-пиратади. Бодом шоҳларида гуж-гуж бодроқ янглиг гуллар шодаси. Ҳаммаёқ она алласидан ором олган гўдакдай яйраб, инсон қалбида кутлуг яхшилиқ туйғуларини уйғотади. Бениҳоя шодийена ва тантанаворлик билан нишонланган баҳор ва меҳнат байрами таассуроти билан яшайди ҳамма. Шаҳар ва қишлоқларимиз ўзгача дилбарлик ва ажиб хусн-латофат кашф этган шу наврўз шодийенасини ҳеч ким унутолмас керак. Чунки Наврўз ҳар бир хонадонга мўл-қўл ризқ-насиба, тинч-омонлик инъоми эҳсон қилгандай. Ранг-баранг гуллар, турли-туман шiorлар ва байроқлар билан безатилган Алишер Навоий едгорлиги мажмуаси пойидаги майдон тантаналари тилдан-тилга кўчса керак. Намойиш этилган халқимизнинг анъанавий ўйин ва тамошалари ўзлигимизни англашдан, маънавий кадриятларимиз мустақиллик туфайли қайта тикланиб

ўсиб-унмоққа астойдил чоғланганлигидан далолатдир. Байрам давомиди мусаффо осмон узра қанот қокқан ажойиб кўшиқ ва куйлар парвоздаги чинни кабутарлар қанотига илашиб, бутун оламга ёйилаётгандай бўлди. Мустақиллик майдони ҳам шу куни ўзгача тароват кашф этди. Турли кўргазмалар, китоб савдолари ташкил этилди. Дошқозонларда сумалақлар кайнади. “Туркистон” саройининг эзги

сахнасида эса республиканинг атоқли санъаткорлари, истеъдодли ёшлар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Тошкентнинг сайлгоҳ хиёбонлари, деярли барча кўчаларида қадимий анъаналарга кўра тўқин-сочин дастурхонлар езилди. Қандолат махсулотлари еймаси, миллий таомлар кўргазмаси ташкил этилди. Қорақалпоғистонликлар ўз юрларида турли хайрия тadbирлари ўтказиб, (Давоми 2-бетда).



Иқтисодий ислоҳот: масъулиятли босқич

БЕШ ТАМОЙИЛ АМАЛДА

АВВАЛ хабар қилинганидек, 18 март куни халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессияси бўлиб ўтди. Сессияда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Президент Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги беш тамойили ҳақида гапириб, пировардида шундай деди:

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги беш тамойили ҳаммангизга маълум. Ҳаёт ва орттирган тажрибамиз шуни кўрсатдики, бизлар бу беш тамойилга асосланиб хато қилмадик.

Биринчи тамойилимизда аввал — иқтисод, кейин — сиёсат деган шiorни олға сурдик. Хўш, нега шу принципини танладик? Нега шу тамойил бошқа шiorлардан, бошқа тамойилларга нисбатан устунроқ деб тан олинди?

Бунинг маъноси жуда теран, азиз дўстлар.

Халқимизда “аввал — таом, кейин — калом” деган ҳикмат бор. Яъники, аввал одамларнинг қоринини тўйдир, бола-чақасининг ҳаётини таъмин этиб бер, ана ундан кейин сиёсатининг гапир!.. Ҳавоий гап билан одамларни алдаб бўлмайди. Халққа изчил ва аниқ иқтисодий дастур керак.

Масаланинг яна бир муҳим тарафи шуки, биз қураётган янги тизим энг шижоатли, ишнинг кўзини биладиган, меҳнаткаш, юртпарвар, фидойи ва қўли гул одамларга шароит яратиб бериши керак. Ҳақиқий меҳнаткашга муносиб шароит яратиш — Президент сифатида менинг вазифам, ҳукуматнинг, давлатнинг, ҳар бир раҳбарнинг, бутун жамиятнинг вазифаси.

Ҳалол меҳнат учун ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароит керак. Меҳнатни баҳолайдиган мезонлар керак. Жамиятни янгилаш деганда, меҳнаткаш ва ташаббускор инсонларни бошга кўтаришни тушунмоқ лозим.

Энди, ҳурматли халқ ноиблари, **иккинчи** тамойилга ўтаемиз:

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтишда халқнинг туб манфаатларини кўзлаб, энг устивор ва энг муҳим йўналишларни давлатнинг ўзи танлаб олиб, уларни амалга оширишда ҳам унинг ўзи етакчилик қилади.

Шу билан бирга, бундай қарашнинг иккинчи томони ҳам бор. Биз меҳнатга яроқли ва иштиёқли одамлар ҳақида гапирдик. Лекин меҳнатга иштиёқли бўла туриб, лаёқати бўлмаган инсонлар ҳам оз эмас. Ногиронлар, кексалар, серфарзанд оналар, миллионлаб воёга етмаган норасида болаларимиз бор. Адолатли давлат қўрмоқчи эканмиз, салтанатнинг ночор ижтимоий табақаларга муносабати қандай бўлади?

Бу ўринда хулоса битта: бундай кишиларни давлат ўз паноҳига олиши керак. Иккинчи тамойилнинг мазмуни, яъни: “давлат бош ислоҳотчи” деган ақиданинг моҳиятига кўра, давлатимиз ишга лаёқатсиз, ногирон одамларни, кўп болали оилаларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаши зарур.

Ўтиш даврида давлат жиловини қўлдан бермаслиги керак. Шундагина у давлат бўла олади. Жилов қўлдан кетган жойларда аҳвол қандай аянчли эканини ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Яна тақдорлаб айтаман: давлат давлатлигини қилмоқчи бўлса, фуқарони ўз паноҳига олиши зарур.

Одамзот унумли меҳнат қилиши учун, тинч ва осойишта ҳаёт кечирishi учун нималар даркор? Умуман, жамият тинч яратувчилик фаолияти билан шугулланиши учун нималар керак?

Бунинг учун ҳар бир фуқаронинг кўнгли тинч бўлиши лозим. Хотиржам одамгина унумли меҳнат қила билади. Бошқача айтганда, давлат ҳар бир фуқаросини ҳимоя этиш, унга ҳуқуқий ёрдам бериши шарт.

Учинчи тамойилнинг, яъники, қонун устиворлигининг маъноси ва маъноси ҳам ана шунда. Қонун олдида барча баробар. Мамлакат қонунларига жами фуқаро — ёшидан, мансабидан, миллати, ирқи ва

(Давоми 2-бетда).

ХАБАРЛАР МАҒЗИ



• **ЕШ АВЛОДНИ** Ватанга ҳар томонлама садоқат ва ундан фахрланишдек олий туйғуларини тарбиялашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда, жисмонан ва ахлоқан соғлом авлодни камол топтиришда давлат ва халқ олдидаги катта хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти-

нинг Фармонида кўра республика фаолларидан бир гуруҳи биринчи ва иккинчи даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирландилар.

• **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Савдога ва тижоратга кўмаклашувчи “Савдогар”** ихтисослаштирилган акционерлик тижорат банкни ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва божхона тўғрисидаги қонунларига риоя этилиши устидан назоратни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақидаги Фармонларга имзо чекди.

• **МАМЛАКАТИМИЗ** Президенти

Ислам Каримовнинг Фармонида биноан 1994 йил Ўзбекистон Республикасида Мирзо Улугбек йили деб эълон қилинди.

• **РЕСПУБЛИКА** Вазирлар Маҳкамаси “Банк тизимини такомиллаштириш, пул-кредит муносабатларини барқарорлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди.

• **ЎЗБЕК** маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган шоир ва бастакор, атоқли давлат арбоби Муҳаммад Раҳимхон — Феруз таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди.

• **РЕСПУБЛИКА** фанини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали меҳнати, юқори малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашдаги хизматлари ҳамда жамоат ишларида актив иштирок этганлиги учун Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Карим Содиқович Аҳмедов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиги билан мукофотланди.

• **ТОШКЕНТДАГИ** Алишер Навоий номли миллий кутубхонада Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган китобхонлар конференцияси бўлиб ўтди.

БЕШ ТАМОЙИЛ АМАЛДА

(Боши 1-бетда).

динидан қатъи назар — барча баробар бўйсунмоғи фарз.

“Қайта қуриш” деган қуруқ кампания ҳаммаёқни бузиб, ит эгасини танитай қолган кезларни, бақир-чақир кучайиб, бетайин кимсаларнинг ошиги олчи бўлган пайтларни бир эслаб кўрайлик, ўртоқлар. Ўғрилик, бузуқлик, қотиллик авжига чиқиб кетган эди-ку!

Шуни очик айтишим керакки, бугун биз қонунбузарларнинг таъзирини бераймиз. Жиноятчилик кескин камайиб борапти. Бир вақтлар кечқурун кўчага чиқшдан чўчиб қолган одамлар бугунги кунда, Худоба шукр, тунда ҳам бемалол ва бежавотир юра бошлади.

Милициянинг, суд ва прокуратуранинг фаолияти кучайди, хавфсизлик хизматининг вазифалари, янги шароит нутқани назаридан қайта кўриб чиқилди. Гапнинг қисқаси, давлатимизнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ўз вазифаларини адо этишга жиддий киришди.

Мамлакатимиздаги аҳволни бошқаларга қиёс этсак, бизда тинчлик ва осойишталик барқарор экани намоён бўлади. Хўш, қўшниларимизда қонун ва қонуний ҳужжатлар йўқ деб ўйлайсизми? Уларда ҳам бор. Лекин ҳақиқат бутунлай бошқа томонда. Қонун қоғозда қолиб кетса, жамият асло равнақ топмайди. Қонун амалда бўлиши керак. Қонун қабул этилдими, унинг ижроси ҳам талаб этилиши зарур.

Тўртинчи тамойил ҳақида.

Ўзларинг ўйлаб кўринлар, агар биз Ўзбекистон шароитида Гайдарнинг “Шок терапияси”ни қўлласак нима бўларди? Тасаввур этинг, бу услуб аҳолисининг ярми бола ва ўсмирлардан иборат мамлакатда қандай оқибатларга олиб келарди?

Эҳтимолий оқибатни тасаввур қилиш қийин эмас. Гайдарона иқтисодий натижаси ўлароқ, халқ таъминоти издан чиқар, одамларимиз ризқи-рўзидан жудо бўлар эди.

Бизлар эски тузумни қоралашга ўрганиб қолганмиз. Унинг номақбул тарафлари жуда кўп бўлиши мумкин, лекин ўша вақтдаги одамларни ижтимоий ҳимоялайдиган жиҳатларнинг маълум айрим қисмларини сақлаб қолиш асло зиён қилмайди. Биз бунинг ўз тажрибамизда синаб кўрдик.

Бешинчи тамойилнинг мазмуни ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ. Бешинчи тамойил олдинги тўрт тамойилнинг мантиқий ва узвий давоми бўлиб, унда ислохотларнинг изчиллик билан, босқичма-босқич амалга оширилиши кўзда тутилган.

Президентимиз ўз нутқида Бухоро вилоятида ана шу беш тамойил изчиллик билан амалга оширилмаётганлигини кўрсатиб ўтди. Жумладан, вилоятда жиноятчиликка қарши курашдаги сусткашлик, аҳоли саломатлигини сақлаш ҳақида раҳбарлик қилинмаётганлигини таъкидлади. Бу ерда хусусийлаштириш, тадбиркорлик ва фермер хўжаликларга эътиборсиз қаралаётганлигини кескин танқид қилди. Юқоридаги ва бошқа камчиликларни тезроқ бартараф этиш чораларини кўришда вилоятнинг барча бўғин раҳбарлари масъулиятини ошириш кераклигини уқтирди, зарур маслаҳатлар берди.

(Президентимиз Ислам Каримов нутқининг тўла матни республикамиз кундалик газеталарида эълон қилинди).

ШУ КУНИ сессияда ташкилий масала кўрилди. Д. Ёдгоров пенсияга чиқиши муносабати билан аризасига кўра вилоят ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг тавсиясига биноан Бухоро вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган М. Раҳмонов вилоят ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков қатнашди.

ҲАР КУНИМИЗ — НАВРЎЗ

(Боши 1-бетда).

кўнгли кемтик кишиларни, уруш фахрийлари, боқувчисини йўқотган, ерданга муҳтож оилалар, елгиз қариялар, дардманларга сахий-саховатлик кўрсатишни уюштирдилар. Шаҳарлар, овул, қишлоқларда ҳам ана шундай ажиб байрам кайфияти ҳукм сурди. Андижонда қарнай-сурнай садоларига тўлиб тонг отди. Қизлар камалак ранг атлас кўйлақлар, йигитлар оппоқ яктақлар билан безаниб, қўшиқлар айтиб, кўча-кўйни тўлдирдилар. Чунки инсон янгилини, яшарши фасладга табиатдан шакл-шамойил олади доим. Бу азалий одатимиздир. Шунинг учун бухороликлар ҳам баҳордай яшнаб, яшариб, гоёта ясаниб, турланиб келиб Имом Исмойил майдонига алоҳида файз-латофат бахш этдилар. Барча гузар ва маҳаллаларда, майдон ва хиёбонларда санъаткорларнинг қўшиқлари, аскиячиларнинг ҳазиллари ярим кечагача ҳам тинмади. Наманган вилоятидаги гузарлар, шаҳар ва қишлоқ марказлари кечгача гавжум бўлди. Ҳар ким яқин-йироги, таниш-билиши, ёру биродарини кўксига тортиб янги йил билан муборакбод этди. Шу кунларга етказган аллоҳ таолога ҳамду сано ўқидилар. Вилоят ҳокими Бургутали Рапигалиев Наманган шаҳрида қуриб битказилган кўп қаватли уйни эса олийгоҳ ўқитувчилари, профессорлар учун тантанали равишда байрам тухфаси

сифатида тақдим этади. Шундан кейин Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида ажойиб байрам намойишлари давом этади.

Самарқандда наврўз байрами муносабати билан жуда катта боғ яратилган эди. Бу ерда халқ сайли, вилоят чавандозлари иштирокида кўпқари уйинлари ўтказилиб, куй-қўшиқлар янграб, дилларни хушнуд этди. Вилоят ҳокимининг махсус қарори билан эса шу кунинг барча театрларда спектакллар ва кинофильмлар бепул намойиш этилди, шаҳарда қатнайдиган ва Чўпонота қирларига томон борадиган транспорт воситалари аҳолига пулсиз хизмат кўрсатди.

Наврўз Мирзачўлга ҳам турналар қанотида етиб келди гўё. Гулистонликлар наврўз тантаналарини шаҳар футбол ўйингоҳи ва истироҳат боғида ўтказдилар. Боевут кенгликлариде юзлаб чавандозлар от суршиди, полвонлар беллашишди. Шу кунинг вилоят бўйича 48 келин-куёв эса наврўз фотихасини олишди. Бундай шодиеналик Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм вилоятларида ҳам ниҳоятда тантанавор тусда ўтказилди.

Бу байрам фақатгина баҳорий яшаришигина эмас, балки миллий қадриятларни тиклаш тантаналари ҳамдир. Дилбар Фарғонадаги дўстлик майдони ана шундай тикланишнинг тимсоли бўлди. Майдонга туташ мустақиллик кўчасида наврўзга бағишлаб бутун эл-элат аҳлига хайрия оши тортилди. Дастурхонлар

миллий таомлар, ноз-неъматлар билан безатилди. Фарғоналиклар ҳамюртлари Хувайдо шарафига тикланаётган хотира мажмуида кўчат экиш ташаббусини ҳам авж олтирдилар. Бу ерда машҳур шоир ва ислом оламининг билимдони Хувайдо таваллуд топган кунини нишонланишига қадар ажойиб боғ жамол кўрсатиши аниқ. Бу боғ атрофидаги сайилгоҳ жойлар, чойхоналар, шунингдек, Жомеъ масжиди ва хотира мажмуи нафақат фарғоналикларнинг, балки бутун Ўзбекистон аҳлининг зиёратгоҳ манзилларидан бири бўлиб қолишига шубҳа йўқ.

Бу йилги наврўз Ўзбекистоннинг барча воҳалари, шаҳар ва туманларига ўзгача кўрк, ажиб гўзаллик ва яхшилик тимсолини бахш этди. Ҳамма ерда кексалар, фахрийлар ва шифохоналарда даволанаётган хасталарни бориб кўриш, хол-аҳвол сўраб, кўнгли кўтаришлар уюштирилди. Байрам хайриялари билан баҳраманд этилди. Далаларда эса деҳқончилик ва яратувчилик ишлари авж олиб кетган. Барчанинг руҳи тетик, кўнгли чоғ, қалби оддий тупроқдан олтин ундириб, эл-юртда тўқин-сочинлик барпо қилиш, бой-бадавлат яшаш ишқи билан ёнади, меҳнат қилади, эртанги кунларнинг фаровонлигини ўйлаб, шу олий мақсад йўлида ҳалол тер тўкади. Хуллас, ҳамма-ҳаммада байрам кайфияти. Чунки бундан буён баҳорнинг ҳар кунини бир наврўздир.

ЭЗГУЛИК ДАВРАСИ

Кунинг кеча Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасида бўлиб ўтган тадбир ўлкамизда бошланган улуг айём — Наврўз байрамига бағишланди. Тўқин дастурхон атрофида фаол китобхонлар билан ижодкор адиблар учрашдилар.

Кечага ташриф буюрган Тошкент шаҳар маданият ходимлари касоба уюшмаси кўмитаси раиси Ғафур Гуломов иштирокчиларни наврўз айёми билан қизгин табриқлаб, мустақкам соғлик, бахт-саодат, оилаларига тотувлик тилади.

Ижодкорлардан элимизга танилиб келаётган шоира Мухтарама Туркой (Эгамбердиева) наврўз, истиқлолимиз, она Ватан, эзгуликка бағишланган шеърларидан ўқиб берди.

Адиба Марва Жалолдиннова ҳажвиялар ижро этиб, меҳмонларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг Марказий маданият саройи қошидаги “Ўзбек халқ фольклори” дастаси ҳаваскорлари наврўз, баҳор ва дўстлик тараннум этилган дилрабо кўшиқ, лапар ва серзавқ рақслари билан кечага файз киритдилар.

Учрашув тадбири Қуръони Карим тиловати билан ниҳоясига етди.

Фозилжон ОРИПОВ,
Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси касоба уюшмаси кўмитаси раиси.

Меҳр-оқибат байрами

МЕҲР-ОҚИБАТ, баҳор ва тароват тантанаси давом этаётган айни шу кунларда Андижон электр двигателлар заводи касоба уюшмаси кўмитаси раиси Мансуржон Икромов бир янгиликни эълон қилди. Завод аёллари ҳомиладорлик таътилига беш ойдан кейин оқ чиқадиган бўлдилар. Бу соғлом авлод учун қилинган хайрли бир қадамдир. Аслида, заводда ишлаётган аёллар кейинги йилларда кадр эъозлари ортиб бораётганини шундоқ ҳам сезиб юришарди. Чунки улар шифохоналарга бориб, навбат кутиб юрмайдилар. Заводнинг ўзида гинеколог шифокор Майрамхон Эргашева, фельдшер Шудренко Алла Николаевналар уларнинг соғлигини назорат қилиб туришади. Касаллик варақасини ҳам, барча турдаги шифохоналарга етиши учун йўлланмани ҳам бера оладилар. Заводнинг тиббиет ўчоғи эса барча замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Кечагина бўлиб ўтган 8-Март байрамида 15 минг сўмдан мукофот олган заводнинг барча аёллари Наврўзда ҳам яна 15 минг сўмдан совғалик бўлдилар. Нафақат аёлларга, заводнинг барча ишчиларига берилди бу мукофот. Барча цехларда сумалак қайнатилиб, юсак кайфият билан байрам қилинди. Завод директори Гуломиддин Воҳидов билан касоба кўмитаси раиси Мансуржон Икромовлар эса ишчиларнинг юзидеги қувончни кўриб қониқиш ҳосил қилдилар.

Андижон трикотаж ишлаб-чиқариш бирлашмаси касоба уюшмаси кўмитаси раиси Рўзахон Абдуллаева билан бирлашма бош директори Шухрат Зайнобиддиновлар ҳам 8-Марту Наврўз тадориғини анча аввал бошлаганлар. Бирлашмада ишлаб, нафақатга чиққан 400 га яқин кексаларни бориб йўқлашди. Совға-саломлари ичида бирлашмада тикланган бежирим халатлар кексаларга жуда маъқул тушди. Бирлашма ишчилари Рамазон хайити муносабати билан ҳам совға-саломлар олдилар.

Маданият уйлари, клубларда, болалар уйлари, шифохоналарда, бевосита меҳнат жамоаларида бадний ҳаваскорлик гуруҳларининг чиқишлари, кўнгили спорт жамиятларида эса турли мусобақалар ўтказилди.

Вилоят касоба уюшмалари ташкилотларида сумалак қайнатилди, ўйин-кулги қизиди. Элимизнинг Наврўз кунларида ҳамма-мезбон, ҳамма меҳмон бўлди.

З. РЎЗИЕВА,
“Ишонч” муҳбири.



Анрен шаҳри кўчалари ёшу қарийи бирдамлик ва ҳамкорликка чорловчи шиорлар билан безатилди. Хиёбонларда савдо ярмаркалари ташкил этилди. Сумалак, ҳалим, кўк сомса ва бошқа наврўз таомлари пилирилди.

Байрам тантанаси Пўлат бобонинг ўғиллари, неварачевараларидан ташкил топган 40 нафарга яқин ака-ука, она-сингил ва келинларни

ЧАНҚОВУЗ ЧАЛИНГАНДА

бирлаштирган оилавий фольклор дастасининг чиқиши билан бошланди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган айтишув томошабинлар руҳини кўтарди. Аёллар чанқовуз чалишгандаги манзарани сўз билан ифодалаш қийин.

Мамлакатимиз “Қизиқчи-93” танловининг лауреати Абулқосим

Раҳмонов, Ўзбекистон Ешлар Иттифоқи совриндори Абдукарим Бобораҳимов, республика “Алла” танловининг лауреати Муборак Абдураҳмонова ва бошқалар ижро этган интермедия ва қўшиқлар томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Шаҳардаги “Чотқол”, “Само”, “Ёғду” дасталарининг чиқишлари

барчанинг ёдида қолди. Меҳнаткашлар шаҳар маданият ишлар бўлими мудири Оқилхон Эшчонов раҳбарлигидаги санъаткорлар хизматидан мамнун бўлишди.

Шу кунинг Ешлар Иттифоқи шаҳар кўмитаси “Наврўз” лотереяси ўйинини ташкил этди. Наврўз байрами тантанаси кечгача давом этди.

С. ШАРОФХОНОВ,
“Ишонч” муҳбири.

Юқори марралар сари

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Бобур номидаги жамоа хўжалигида ўтган йили пахта тайёрлаш режаси 106 фоизга адо этилди. Кўзда тутилган 310 миллион ўрнига 610 миллион сўм даромад олинди. Эришилган ютуқлар боиси нимада? Бу саволга хўжалик касаба уюшмаси кўмитасининг раиси Абдурахмон Тожибоев қуйидагича жавоб берди:

— Хўжалик бошқаруви ва касаба уюшмаси кўмитаси ўзаро маслаҳатлашиб жамоа ҳамда фуқаро манфаатини кўзлаган ҳолда иш олиб бормоқдалар.


Кейинги йиллар ичида кенг миқёсда қурилиш ва ободончилик ишлари барча қишлоқларда бажарилди. Сўнгги 4 йилда 27 чақирим узунликдаги йўлларга асфальт ётқизилди. Олдинлари тўрт одам тўпланиб гурунглашадиган жойи бўлмаган Файзиобод ва Аҳси қишлоқларида чойхоналар қурилди. 210 бош молга мўлжалланган замонавий иморат, автомобиллар саройи, дорихона, юз ўринли болалар боғчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Наманган вилояти миқёсида хўжалик қишлоқларини тўлатқис газлаштириш биринчилар қаторида ниҳоясига етказилиб, 700

дан ортиқ хонадонда “зангори олов” ёняпти. Яқиндагина “Тегирмон” маҳалласига сув тармоғи етиб борди ва шу тариқа аҳолининг зилол сувга бўлган эҳтиёжи қондирилди. 200 дан ортиқ хонадонга телефон уланди. 4 жойдаги нонвойхона, дўконлар, сартарошхона, қассобхоналар одамлар оғирини енгиллаштирмоқда, турмуш камчилигини бутлаш учун туман марказига катнаш овозагарчиликларидан халос этилмоқда.

Касаба уюшмаси ташаббуси билан қиш ойларида бригада бошлиқлари, сувчилар, механизаторлар ва чорвадорлардан 50 кишининг асосий қисми таърифи Ўзбекистонга ейилган “Шаҳанд” санаторийсида, вилоятнинг бошқа сиҳатгоҳларида хордиқ чиқаришди. Ўзига бириктирилган техникани биринчи бўлиб сифатли таъмирлаган икки механизатор эса Тошкент оромгоҳларида бепул дам олиб даволанди. Эришилган ютуқлар боис шундан бўлса керак. Бу гамхўрликларга хўжалик аъзолари бу йил ҳам фидокорона меҳнатлари билан жавоб қайтаришмоқчи.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
“Ишонч” мухбири.



Корақалпоғистон республикаси. Қўнғиротда дон маҳсулотлари комбинати қурилиб фойдаланишга топширилди. Янги корхона ҳар суткасига 130 тонна юқори сифатли ун ишлаб чиқармоқда.
Суратда: комбинатнинг навбатчи оператори Байрам Ҳозирбаев, А.Зуфаров олган сурат. (ЎЗА фотохроникаси)

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўрта Осиё темир йўл ходимлари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси кўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида дастлаб ташкилий масала кўрилди. Кўмита раиси А.А.Абдуллаев Республикадан ташқарига ишга кетганлиги муносабати билан раислик вазифасидан ва раёсат аъзоларидан озод этилди. Ўрта Осиё темир йўл ёқилги энергетика ресурс хизмати бошлиғи бўлиб ишлаб келган раёсат аъзоси Абдулхай Абдурахмонов кўмита раиси этиб сайланди.

Мажлисида темир йўл ходимлари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси ҳамда унга қарашли ташкилотларнинг Низом талаб ларига риоя этиш соҳасидаги долзарб вазифалари муҳокама қилинди. Бу ҳақда кўмита раиси А.Абдурахмоновнинг маърузаси тингланди. Нотиқ бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида тармоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш борасида касаба уюшмалари олиб бораётган ишлар, темир йўлчиларнинг иқтисодий ислохотларнинг амалга оширишдаги

вазифалари ҳақида батафсил тўхталди.

Музокарада Ўрта Осиё темир йўли Тошкент бўлими касаба уюшмаси кўмитаси раиси Т.Алимов, Фарғона бўлими касаба уюшмаси меҳнат техника нозирини М. Муфтаҳетдинов, Қарши бўлими касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ф. Муротов, Сирдарё рефрижератор депоси касаба уюшмаси кўмитаси раиси муовини Б. Нисанбеков сўзга чиқдилар.

Мажлисида тармоқ касаба уюшмасининг республика касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорлиги, Кўмита раёсати таркибидagi ўзгаришлар тўғрисидаги масалалар ҳам кўрилди. Кўмитанинг 1994 йилги бюджети тасдиқланди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Ҳ.Б.Жамолов, Ўрта Осиё темир йўл бошлиғи В.М. Желтоухов мажлисида нутқ сўзладилар.

Т.АЛИМОВ,
“Ишонч” мухбири.

РАЁСАТ ЙИҒИЛИШИ

15 март куни Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси Раёсатининг йиғилиши бўлди.

“Ўзбекистон кимё саноати ходимлари касаба уюшмасининг халқаро кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси ташкилотига вақтинчалик аъзо бўлиш ҳақида”, “Санаторий ва курортларда даволаниш ҳақида”, “Молия ишлари ҳақида”, “Ташкилий ишлар ҳақида” И. Ёқубов, Н. Қосимов, Р. Нурматов, Б. Боситхоновларнинг маърузалари тингланди.

Йиғилишда касаба уюшмалари фаолиятига боғлиқ бўлган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Раёсат йиғилишини тармоқ касаба уюшмаси раиси Марказий Кўмитаси Н. Т. Қосимов бошқарди.

“Ишонч” мухбири.

ТАНЛОВ ҒОЛИБИ АНИҚЛАНДИ

Республика “Кино” уйида “Тарбиячи-94” танловининг якунловчи кўриги бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ таълими, қишлоқ хўжалик вазирликлари, енгил саноат моллари ишлаб чиқариш давлат уюшмаси, маҳаллий саноат давлат корпорацияси, хотин-қизлар кўмитаси ва тармоқ касаба уюшмалари Марказий Кўмиталарининг кўп босқичли шахар, туман, вилоятлардаги кўрик-танлов ғолибларининг 14 нафари куч синашди.

Қашқадарё вилоятидаги “Шўртангаз” бошқармасининг боғча тарбиячиси Соҳиба Ходжанова биринчи ўрин соҳиби бўлди. Шўрчи шаҳридаги боғча тарбиячиси Гулнора Абдурахмонова иккинчи ўринни, Қўқондаги 26-болалар боғчаси тарбиячиси Хурсанд Орипова учинчи ўринни эгаллади. Танловга ҳомийлик қилган ташкилот, муассасаларнинг бошлиқлари ғолибларга қимматбаҳо совғалар, эсдалик нишонларини топширишди. Келгуси йилларда ҳам республикадаги энг яхши тарбиячи кўрик-танлови ўтказиладиган бўлди.

Босит АКБАРОВ,
Республика деҳқончилик-саноати мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси бўлим бошлиғи.

Та д бир корлик

хонадонда тинчлик йўқ экан, унда барака ҳам, тўқлик ҳам бўлмайди. Давлат хўжалиги қарамоғидаги халқ ҳам гўё катта хонадонни эслатади. Бу ерда ҳам тинчлик, саломатлик, барака бўлмас экан, раҳбарни асло тинчитмайди. Яхшики худудимиз кенг, қирларга молларини ейиб ўтлата

260 минг тонна ғалла топшираимиз. Бундан давлат хўжалигига 130 миллион сўм фойда келади. Кам миқдорда асалари ҳам боқамиз. Ҳар бир хонадон биттадан гилам тўқишни бўйнига олган. Айелларимиз иш билан таъминланди. 300-400 та гилам тўқилса, ундан олинадиган фойда

чиқариш корхонаси билан шартнома тузиб, қишлоқда 120 ўринли кийим тикиш цехи ташкил этдик. Маҳсулот Самарқанддан келтирилади. Айни пайтда ишчиларнинг болалари учун корхона текинга боғча қуриб беришга киришди. Қандолатчилик кичик корхонаси, 20 ўринли шифохона ташкил қилдик. 834 ўқувчига мўлжалланган икки қаватли мактаб биноси қад кўтараётир. Бундан ташқари яқин орада терини қайта ишлаш кичик корхонаси ташкил этиш ниятидаимиз... Ҳар қалай, бозор шароитига ўтиш жараёнида имкон борича халқнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда жон куйдираётимиз. Қишлоқлар телефонлаштирилган. Бир-икки йил муқаддам қишлоқларни газлаштиришга киришгандик. Қувурларнинг қимматлашгани туфайли бу иш бир оз орқага сурилаётир. Ҳаммани қийнаётган доvon йўли мутлақо қайтадан қурилди.

— Албатта, буларнинг ҳаммасини амалга ошириш осон эмас...

— Лекин янги даврга ўтиш ҳеч қачон осон кўчмаган. Фақат ёниги масаласи бизни андак ташвишга солаётир. Ер ҳайдаш учун ёниги йўқ. Эҳтиёт қисмлар учун ҳам тақчиллик сезилиб қолади. Машина ва тракторлар ишламай туриб қолаётир. Бироқ, қўлдан келганча ҳаммасини жойида қилишга астойдил киришганмиз. Орзу-умидларимиз кўп. Энг муҳими, юртимиз, халқимиз тинч-омон бўлсин. Тинчлик бор жойда хотиржамлик ҳукм суради. Хотиржамлик бор ерда эса тараққият ривож топади.

— Сухбат учун ташаккур!
Сухбатдош: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.



Самарқанд вилояти, Пойариқ туманига қарашли “Халқобод” давлат хўжалиги директори МАНСУР ҚУШБОЕВ билан мулоқот

Мансур ака! Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлат хўжалиги раҳбарларининг роли қандай бўлиши кераклиги ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

Биринчи ғалда халқнинг тўқлигини таъминлаш ҳақида бош қотирмаслик мумкин эмас. Раҳбар онгли ва тадбиркор бўлгандагина халқни ўз химоясига ола билади. Чунки меҳнатни халқ қилади. Даромадини ҳам халқ келтиради. Демак, “халқ давлат химоясида бўлиши керак. Халқ тўқ бўлса, давлат ҳам тўқ ва қудратлидир... 75 йиллик турғунлик даврида бу масалага бошқача тус бериб келинди. Ҳамма нарса давлатники деб қаралди, халқни химоя қилиш ҳақида эса талабга лойиқ бош қотирилмади. Мана, мустақилликка эришдик. Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик ўрнатилди. Энди қийинчиликлар аста-секинлик билан йўқолиб бораверишига ишонамиз. Қайси

МАКСАД ХАЛҚНИ ХИМОЯ ҚИЛИШ

оламиз. Имкониятимиз борича меҳнаткашларга истаганча ем-хашак етказиб бера оламиз. “Халқобод” давлат хўжалиги қарамоғидаги экиладиган 9 минг гектар ернинг минг гектарини одамларга ажратиб берганмиз. Улар шу ерларда деҳқончилик қилишади.

— “Халқобод” нинг ширин-шакар қовун-тарвузларини эслайман. Иқтидорли деҳқонлар лаъли ерларда ўғитсиз, сувсиз тилёлар поллиз экинлари етиштирарди. Халққа сотарди. Кейинги йиллари айни қанд-шакар камчиллашган бир пайтда бу масалага совуққонлик билан қаралаётганга ўхшамайдими?

— Ҳозир ҳам афсусланаётимиз. Камчиликларни тузатамиз. Аввалги анъаналаримизга қайтамиз... Хўжалигимиз ҳозир йилга 1000 та қорақўл тери тайёрлаб, 20 миллион сўм даромад келтиряпти. Бундан ташқари давлатга 1000 тонна сут, 300 тонна гўшт, 50 мингта тухум ҳам сотиш имкониятига эгамиз. Давлатга

миллион-миллион сўмни ташкил этади.

Қишлоқдаги кўпболали оилалар ўғилларини уйлантириш ва қизларини чиқаришга унча қурби етмайди. Шундай оилалардан баъзиларнинг ўғли ва қизларининг ҳамма сарф-харажатларини бўйнимизга олиб тўйларини ўтказиб бердик. Уйи йўқ келин-куёвга давлат хўжалиги қарамоғидаги бир уйни текинга номлаб бердик. Вилоят ва туман ҳокимликлари томонидан биттадан гилам ҳам совға қилинди.

Биз ишга яроқсизларнинг қийинчиликларини ҳам ўз бўйнимизга олганмиз.

— Яхшилик қилгандан фақат яхши ном қолади.

— Тўғри. Инсонда раҳмдиллик туйғуси бўлиши керак, қолаверса қодир одамлар ноқодир одамларга яхшилик қилишни ўз бурчи деб билиш лозим. Мени бўйга етган қизларни иш билан таъминлаш масаласи қийнапти. Шунинг учун Самарқанддаги 8-Март ишлаб

— 1994 йил 1 июлгача Ўзбекистонда собиқ Совет Иттифоқининг 1990 йил 15 майда чиққан "ССЖИда фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни амалда қўлланилади.

Ушбу қонунга биноан: меҳнат пенсиялари, қариллик пенсиялари, ногиронлик пенсиялари, боқувчисини йўқотганлиги ва муайян муддат хизмат қилгани учун бериладиган ижтимоий пенсиялар тайинланади, тўланади.

1993 йил 3 сентябрь куни қабул қилинган "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини халқимиз катта қизиқиш ва умид билан кутиб олди, чунки қабул қилинган қонунимиз ўзининг сиёсий, иқтисодий ва инсонийлик моҳияти жиҳатидан ўта муҳимдир. Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш масалаларида эса — уни энг асосий қонун деб ҳисобласа бўлади.

Пенсиялар фуқароларимиз меҳнатнинг маҳсули бўлиши лозим. Меҳнат қилмаган, сугурта бадалларини тўламаган фуқаролар пенсия олишдан маҳрумдирлар. Бу тоифадаги фуқаролар давлат томонидан ижтимоий ёрдамнинг бошқа турлари билан, масалан, ижтимоий нафақалар билан ҳимояланадилар.

— Ёшга доир пенсиялардаги ўзгаришлар қандай бўлишига **Жиззах вилоятининг Фориш туманидан Қувон Тотлибоев, Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидан Мелихол Мамасандовлар** сўрашди.

— Янги Қонуннинг эски пенсия қонунларидан асосий фарқи — пенсия миқдорини ҳисоблаш тизимидир.

Пенсия миқдорини ҳисоблаш тартиби иш стажининг муддатига узвий боғлиқ бўлиб:

- пенсиянинг таянч миқдори;
- иш стажини учун пенсияни ошириш;
- пенсияга қўшилган устама ҳақлардан таркиб топади.

1 қисм — бу ёшга доир умумий асосларда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган, яъни эркаклар — 60 ёшга тўлаганида ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда, аёллар эса 55 ёшга тўлаганида ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда пенсияни ҳисоблаш чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизини ташкил қилиши керак. Пенсиянинг таянч миқдори Республикада расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Бу кафолатланган қисм бўлиб, у умумий пенсия миқдорининг пойдеворини ташкил қилади.

2-қисм таянч миқдорига қўшимча бўлиб у пенсия тайинлашга талаб этиладиган (25 йил эркакларга, 20 йил — аёлларга) дан ортқича иш стажининг ҳар бир йили учун, фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан кўпиради, аммо умумий оширишлар миқдори ўртача иш ҳақининг 75 фоизидан ошмаслиги керак.

3-қисм устама ҳақларининг қўшилишидир. I, II, III, гуруҳ уруш ногиронларига, уруш қатнашчиларига, Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакат ичкарисидан ишлаган ва ҳарбий мажбуриятни бажарган шахсларга, вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ ҳарбий хизматчиларнинг онласига ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдига алоҳида ҳизматлари бўлган шахсларнинг ҳисоблаб чиқарилган пенсияларига устама ҳақлар белгиланади.

Масалан: I гуруҳ ногиронларига — энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахсларга 50 фоизи миқдоридан устама ҳақ белгиланади. Устама ҳақлар тайинланаётган пенсиянинг туридан қатъий назар қўшиб ҳисобланади.

Ёшга доир пенсия тайинлангандан кейинги ишлаган вақт пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшилмайди.

Ёши жиҳатдан пенсияга чиқиш имконияти бўлсаю (60 ёшда эркаклар ва 55 ёш аёллар), лекин фуқаролар пенсияни рамайлаштиришмаса унда белгиланган стаж муддати миқдоридан (25 ва 20 йил) кейинги ҳар бир йилга 1 фоиз ўртача маош миқдори қўшилиб бораверади.

Бу эса барча фуқароларни меҳнатга чорлайди ва ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоя қилишни мустаҳкамлайди. Пенсия ёшига етганлар пенсияни ўртача ойлик иш ҳақининг 75 фоизгача олишга ҳаракат қилиб, ишни давом эттиришлари мумкин. Бу ҳар бир фуқаронинг ихтиёрига қиради. Унинг имкониятига боғлиқ. Бозор иқтисодиётида ҳар бир шахс аввало бор ўзини ижтимоий ҳимоя қилиши керак, яъни у меҳнатга қобилиятли бўлган даврда кўп ва унумли сердаромад меҳнат қилиб, қариган чоғидаги моддий аҳолининг аввало бор ўзи таъминлаши лозим. Янги пенсия талаблари фуқароларимизни унумли меҳнат қилишга чорлайди.

— Барча гуруҳдаги ногиронларнинг энг кам миқдордаги пенсияларини қайси услубда тайинланади, — деган савол билан **Зомин туманидаги Тойариқ қишлоғидан Дилоод Худойназаров, Сурхондарё вилоятининг Денов туманидан Зулфия Ҳақимовалар** мурожаат этдилар.

— Ногиронларнинг пенсияси янги қабул қилинган Қонунда соғлигини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногирон гуруҳларга, аниқроғи ногиронликни келиб чиқиш сабабларига қараб тартибга солиниди. Демак, ногиронлик пенсияси ҳам

бошқа пенсия турларидек ягона бир тизимда тайинланадиган бўлди.

1994 йил 1 июлдан ногиронларимиз пенсияси ҳам 3 қисмдан иборат бўлади:

I қисм — пенсиянинг таянч миқдори, яъни, асосий миқдори. Бу умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар, яъни ногиронлик дастлаб белгиланган вақтдаги ёшга қараб, талаб этиладиган иш стажининг мавжудлигига боғлаб аниқланади.

I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси учун пенсиянинг асосий миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи миқдоридан, аммо энг кам иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, III гуруҳ ногиронлик пенсиялари учун эса ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдоридан, аммо энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади.

ПЕНСИЯ БЕЛГИЛАШДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

"Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун кучга киргач, қанақа ўзгаришлар бўлади?

Шунга ўхшаш саволлар билан таҳририятимизга келаятган мактубларнинг кети узилмади. Жамоатчи муҳбиримиз мактубларда кўтарилаётган муаммоларга аниқлик киритиш учун Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирини, "Ишонч" таҳрир хайъати аъзоси **Б. УМУРЗОҚОВ**га мурожаат қилди.

2-қисм — ногиронлик пенсияси тайинлаш учун талаб қилинган (ёшга қараб) стаждан ҳар бир тўлиқ йил учун қўшилган I фонизга, III гуруҳларники эса 0,5 фоизга оширилади. Шу билан бирга I ва II гуруҳларнинг пенсияси иш ҳақининг 75 фоизидан, III гуруҳларники эса 40 фоиздан ошиб кетмаслиги керак;

3 қисм — устама ҳақларнинг қўшилишидир. Масалан: 30 ёшли II гуруҳ умумий касалликдан бўлган ногироннинг иш стажини 11 йилни ташкил қилади. Ёшга қараб талаб этиладиган стаж — 5 йил. Демак, талаб этиладиган стаж мавжудлиги учун пенсиянинг (асосий) миқдори ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи миқдоридан белгиланади — бу биринчи қисм.

2-қисм — тўлиқ пенсия тайинлашда талаб этиладиган ортқича иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун, пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдоридан оширилишидир.

11 йил стажлари бўлгани учун (30 ёшли ногиронга талаб 5 йил) демак ортқича 6 йил 6 фоизни 55 фоизга қўшиб, пенсияни ўртача маошининг 61 фоизи миқдоридан тайинлаймиз.

Энди учинчи қисмга ўтиб устама ҳақларга қимматли ҳуқуқлари борлигини кўриб чиқишимиз керак. II гуруҳ ногирон масалан, ёлғиз бўлса пенсияга белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан устама қўшилади.

Кўриниб турибдики, ногиронлик пенсияси миқдори ҳам бевосита меҳнат стажининг давомийлигига ва ногиронларнинг иш ҳақи миқдорига боғлиқлигини таъминлаш янги Қонуннинг асосий мақсадларидан бири.

Ногиронларни меҳнатга чорлаш механизмидан яна бир ногирон ногиронлик гуруҳи ўзгаргани муносабати билан пенсия миқдорини қайта ҳисоблаб чиқиш учун мурожаат этса, унга ногиронлик пенсияси тайинланадиган кейинги ишлаган вақт стажга қўшиб ҳисобланади.

"Ўзбекистон республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги 1991 йил 18 ноябрда чиққан Қонуннинг 29 бандида ногиронларни иш билан таъминлаш мақсадида давлат идоралари ногиронларнинг касабга уюшмалари ва жамоат бирлашмалари иш-тироқсидан корхоналарда, бирлашмалар, муассасалар ва ташкилотларда ишловчилар сонининг камида 3 фоизи миқдоридан ногиронлар учун иш жойларини банд қилиб қўйиш нормаларини белгилайди.

— Боқувчисини йўқотган онлаларга пенсия тайинлашда ўзгаришлар борми? **Қ. Эргашев, Наманган вилоятининг Уйчи тумани.**

— Янги Қонунда ҳам вафот этган боқувчининг қаромонда бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бу турдаги пенсия ҳам юқорида айтиб ўтилган ягона тизим (уч қисмдан иборат) бўйича тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси олишга ҳуқуқи бўлган болаларнинг ёши, амалдаги Қонундан фарқи равишда 16 ёшгача, ўқибган бўлса 18 ёшгача қилиб белгиланади. Бунинг сабабларидан бири — меҳнат Қонунлари Кодаксига кўра 16 ёшга тўлган болалар меҳнатга қобилиятли ҳисобланадилар.

— Баҳодир Ҳамидович, болаларга тўланаётган нафақаларчи, улар ҳам ўзгарадилми? **Қашқадарё вилоятининг**

Чироқчи туманидан **Ўроқ Тўлаганов** сўрадилар.

— Шу кунларда ҳукуматимизда болали онлаларга нафақалар тўғрисидаги янги Низом лойиҳаси кўриб чиқилапти, у ҳам янги пенсия Қонуни билан баробар амалга киритилади деган умиддаман.

— Ҳозирги вақтда бола туғилиши муносабати билан тўланадиган нафақа миқдори қанча? Уч ва ундан ортқич болалик онлаларга янги кўрган чақалоқлар учун "суюнчи" нафақаси қанча миқдорда тўланади?

— Бола туғилиши муносабати билан бериладиган нафақа миқдори бугунги кунда ҳар бир туғилган болага, нечанчи бўлишидан қатъий назар, бир хил миқдорда тўланади. Бу миқдор энг кам иш ҳақининг икки баробарига тенг. "Суюнчи" нафақаси бола қайси кунда, қайси ойда туғилганига қараб, шу ойда бўлган иш

қўлланилаётганлиги натижасида пенсия ҳисоблаш жараёнидаги ҳисоб-китоб ишлари жуда кўп вақт ва эътибор талаб қилади. Пенсия миқдорлари ўзгариб турганига сабабли барча нафақаларни тез-тез ҳисоблаш зарурияти вужудга келмоқда. Кўп миқдордаги ҳисоб-китобларнинг эски усулда бажарилиши бир қатор хатоликларни келтириб чиқариши мумкин. Пенсияларни ўз вақтида тўғри ва қайта ҳисоблашни таъминлаш, содир бўлиши мумкин бўлган хатоларни олдини олишга эса компьютер техникаларисиз эришиб бўлмайди.

Вазирлик соҳани компьютерлаштириш бўйича ҳам бир қатор ишларни амалга оширди. 150 бўлимга компьютер техникалари қўйиб берилган. Бўлим мутахассислари махсус автоматлаштирилган иш жойидан фойдаланиш бўйича ўқитилганлар.

Шу кунларда янги пенсия Қонуни асосида пенсия тайинлаш ва тўлов ҳужжатларини тайёрлаш амалий дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Янги Қонун кучга киргунга қадар уларни жойлардаги техникаларга киритиб бериш, мутахассисларни бу дастурлар билан ишлашга қайта ўқитиш мўлжалланмоқда.

— Кўпгина пенсия олувчилар нафақалар тўловидан қўлайликлар билан қизиқмоқдалар.

— Пенсиялар тўловининг асосий қисмини жамғарма банк бўлимлари орқали амалга оширишни жорий қилиш мўлжалланмоқда.

Бу ишнинг бир неча афзалликлари бор:

Биринчидан — пенсия олувчиларимиз учун қўлай, чунки пенсияни маълум белгиланган кунда эмас, эҳтиёж бўлган пайтда олишлари мумкин.

Иккинчидан — нақд пуллар билан бўладиган муомала камайд. Бугунги кундаги муаммоларнинг бири бўлган нақд танқислигини камайишига олиб келади.

Учинчидан — пенсия пулларни жамғармага ўтказиш натижасида, пенсияларни уйларига олиб бориб бериш учун алоқа тармоқларига тўланадиган хизмат ҳақи ҳисобга пенсия ва нафақаларни тўлаш учун сарфланадиган сал кам 20 млрд. сўм маблағ тежалади. Тўшақда етган ёки юролмайдиган ногирон пенсия олувчиларнинг уйларига олиб бориб берилди.

Тўртинчидан — пенсия тайинлаш ва тарқатиш муддатлари тезлашди ва унинг сифати ошди. Албатта, режаимиз амалга ошириш учун банк ходимлари билан ҳали кўп ташкилий ва техникавий тадбирлар ўтказишимиз керак.

— Улуғ Ватан уруши ногирон вафотидан сўнг олаётган нафақаси унинг рафиқасига тўланиши мумкинми? — деган савол билан **бухоролик Исроилова мурожаат қилибди.**

— Улуғ Ватан уруши ногирони вафотидан сўнг унинг қаромонда бўлган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзосига вафот этган УВУ ногиронининг ўртача иш ҳақидан 40 фоиз миқдорда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинланади.

Янги Қонунда боқувчисини йўқотганлик пенсияси тайинлашни тартиби аниқ белгиланган. Фақатгина қўшимчалар ҳақида маълум қилмоқчиман, масалан, Қонуннинг 28-моддасига биноан оила боқувчисининг вафоти ҳарбий хизмат бурчларини бажариш билан боғлиқ бўлса унинг ота-оналари ва хотинларига, янги никоҳдан ўтмаганларга олаётган пенсия туридан қатъий назар энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоиз миқдоридан устама ҳақ тўланади.

Агарда вафот этган ҳарбий хизматчининг ота-онаси пенсионер бўлса, бу қўшимча уларнинг ҳар бирининг пенсиясига қўшилади.

— Баҳодир Ҳамидович, Тошкент туманидаги Кўктерек қишлоғидан **Улуғ Ватан урушининг ногирони Аҳмадали Эргашев бундай деб сўрабди.** Уруш ногиронларига берилган автомобилани хотини ёки фарзандларининг номига расмийлаштириб, эҳтиёт қисмлар ҳамда бензинни имтиёзли нархларда олишлари мумкинми?

— Улуғ Ватан уруши ногиронига ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бепул берилган "Запорожец" машинасини ногироннинг хотини ва фарзандлари номига расмийлаштириш мумкин эмас.

— Айтингни, қандай нафақахўрлар ўзларининг шахсий транспорт воситаларига учун ёқилғи, яъни бензинни имтиёзли равишда олиш ҳуқуқига эгалар? **Қулназаров Зулҳайдар, Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани.**

— Амалдаги ҳужжатларга асосан шахсий автомобил билан бўлган ва уни ўзлари бошқара олган ҳолларда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, Улуғ Ватан уруши ногиронлари, уларга тенглаштирилган шахслар меҳнатда майинланиш ва касб касаллиги туфайли I ва II гуруҳ ногиронлари ва I-II гуруҳ болаликдан ногиронлар ҳар ойда 50 литр бензин нархининг 50 фоизи миқдорда товон пули олиш ҳуқуқига эгалар. Автомобилни ваколатнома (доверенность) билан бошқа бирор кишига ҳайдашга рухсат берилган ҳолларда товон пули олиш ҳуқуқидан маҳрум этилади. Фақат Улуғ Ватан уруши ногиронларига тиббий хулосага асосан машинани ҳайдаш мумкин бўлмаган ҳолларда ва автомобилни бирга турувчи оила аъзоларининг бирортасига расмийлаштирилганда товон пули тўлашга рухсат этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада ижтимоий таъминотни бошқаришни мукамаллаштириш тадбирлари ҳақида"ги Қарорига биноан пенсия ва нафақаларни ҳисоблаш ва тўлаш Марказлари тугатилгач, юқорида қайд этилган камчиликларга барҳам берилди. Бугунги кунда пенсия олувчи пенсиясига тааллуқли маълумотларни яшаш жойидаги ижтимоий таъминот бўлимидан олиш ва барча масалаларни ҳал қилиши мумкин.

Бугунги кунда соҳамизда компьютер техникаларга бўлган талаб инҳоятда катта. Аяниқса тўғриловчи коэффициентлар

— Турғунжон, таваллудингизга 60 йил тўлиши муносабати билан "Ишонч" газетаси жамоаси ва унинг барча мухлислари номидан сиздикил табриклаймиз! 60 йиллик умрингизнинг қирқ йилини санъатга бағишладингиз. Айтишларича темир қанот бўлган лочин боласи илк парвозга чоғланиш учун энг баланд қояни танлар экан. Сиз ҳам ўзбек халқининг фахри бўлган отахон театр — Ҳамза номидаги ўзбек давлат Академик драма театри сахнасидан қанотни кенг ёйиб, учмоққа чоғланган эдингиз. Шундай эмасми?

— Ҳақ гапни гапирдингиз. Мен бу театрни санъат соҳасидаги фаолиятимда илк беланчагим, десам тўғрироқ бўлар. Чунки шу театр кучоғида деярли ўсдим, улғайдим. Шу театرنинг меҳрибон, истеъдодли жамоаси, дунёга машҳур арбоблари ардоғида камол топиб, вояга етдим, ҳақиқий санъат дунёсини танидим.

— Ҳар йилга бир омад, дейдилар. Сизнинг бундай омадга эришингизда оила аъзоларингизнинг биронталари сабаб бўлмаганмикин?

— Йўқ, бизнинг оила аъзолари санъатдан анча йироқроқ эдилар. Бунга фақат Аброр Ҳидояттоевдай забардаст актёримиз сабаб бўлганлар. Аброр ака она томондан бизга қариндош. Тўғрироғи, тоғам бўлганлар. У киши ҳақида уйимизда тез-тез гап очилиб, ажойиб маҳоратлари таърифланиб туриларди. Мен Аброр акани кўрмасам ҳам, номларини эшитиб қолсам юрагимга ёқимли бир нарса куйилаётгандай бўлаверарди доим. Кейин-кейин у киши қатнашган спектаклларга кела бошладим. Ҳатто бир куни уйларига ҳам бордим. Ҳамсуҳбат бўлдим. Шу-шу тез-тез учрашиб, театр ҳақида, санъат сирлари тўғрисида, ҳаётнинг турли ўнқир-чўнқирликлари, санъат муаммолари борасидаги мулоҳазалари, панд-насихатларини эшитаётган бўлдим. Аброр акадаги ажойиб хислатларга ҳавас кўйдим.

Санъатга бўлган шайдоликлари гўдак қалбимда бесаноқ орзуларни уйғота бошлади. Ана шу орзу-умидлар театр ва рассомчилик институти (ҳозирги Уйғур номидаги санъат институти) томон етаклади. Институтда ўша пайтлар актёрлик соҳасида ҳам, режиссёрлик бўйича ҳам анча тажриба орттириб, ном қозониб қолган Ўзбекистон халқ артисти. Абдулла Тўқай ва Ҳамза номидаги давлат мукофотлари лауреати Тошхўжа Хўжаев қулида таълим ола бошладим. Бир орзу ўн орзуни болалайди, деганларидек, ўқиш, ўрганишга астойдил меҳр кўйиб, Тошхўжа аканинг эътиборини қозониш ҳаракатида бўлардим. Толемизга Тошхўжа ака ҳам Ҳамза номидаги театرنинг шайдоларидан экан. Ундаги ўйлаб атоқли актёрларнинг ҳар бири ҳақида, театرنинг ажойиб, бетакрор анъаналари ҳақида соатлаб гапириб чарчамас эдилар. Ўзлари раҳбарлигида театрға тез-тез бориб, ҳар бир спектаклни бир неча марталаб томоша қилар, институтда эса кўрган спектаклларимиз юзасидан фикр алмашувни қизитардик. Ўқув спектаклида менга Чеховнинг "Ваня тоға"сидаги Ваня тоға образи насиб этди. Шиллернинг "Макр ва муҳаббат"идаги Ферденанд образини яратдим. Оқибат шундай бўлдики, бизнинг гуруҳда ўқиганларнинг етмиш фоизи "Макр ва муҳаббат" билан бирга Ҳамза номидаги театрға кириб келди. Улар қатори мен ҳам. Шу-шу кўпчилигимиз театрда қолиб кетдик. Дарҳақиқат, менга бахт кулиб боқди. Чунки мазкур даргоҳда деярли бош ролларни ижро эта бошладим: "Номалум киши"да Ниез, "Бир шахс масаласи"да Павлик, "Бой ила хизматчи" иккинчи бор сахналаштирилганда Гофур, "Алишер Навоий"да Ҳусайн Бойқаро, "Қирол Лир"даги Эдмонд, "Ревизор"да шаҳар хокими, Раблеснинг "Ўлимдан кучлиси"да Мансерро, "Улугбек"да Улугбек ва ҳатто бир вақтлар Аброр ака ўйнаган Отелло образини яратишга ҳам муяссар бўлдим. Шунингдек, бошқа асарлардаги образларни кўшганда театрда саксонга яқин, кинода ўттиз, телевидениеда икки юздан ортиқ турли тонфа шахслар сиймосини ижро этдим.

— Режиссёрлик соҳасида ҳам куч синаб кўрдингиз шекилли?

— Тўғри, Уйғур номидаги Тошкент давлат институтининг катта ўқитувчиси Мунаввара Абдуллаева билан ҳамкорликда "Улугбек"ни қайтадан сахналаштирдим. "Алишер Навоий"ни ҳам. Ҳозир "Меҳробдан чаён" спектаклини яратиш билан томошабинларни хушнуд этиш ниятидамиз.

— Бунчалик тарихий мавзуларга ихлос кўйишингизнинг боиси борми?

— Бор. Чунки бугуннинг кадрига етиш, эртанги кунга комил ишонч билан боқишга ўрганиш учун тарихий мавзунинг аҳамияти каттадир. Ўз тарихини билмаган кимса қандай қилиб миллий анъаналарга содиқ қолсин, қандай қилиб ўз миллати, жонажон халқи, она ватанини сева олсин. Ҳар томонлама тарбия топиб, ҳар нарсага садоқат кўйишда тарихий мавзунинг ҳосияти кўп. Лекин тарихий мавзудаги спектаклларни кўйишда ҳам кўйиш бор. Унга янги кўз, янгича дид билан қараб, шу кеча-кундузнинг талабига монанд қилиб кўйишнинг аҳамияти бошқача. "Улугбек"ни қайта кўйишда худди ана шу жиҳатларга эътибор бердим. Мазкур спектаклни худди ҳозирги кунларда кечилаётган ҳаётимиз учун катта мактаб бўладиган қирралари очилди. Мураккаб давр муаммоларини ечишда қўл келадиган, халқни юпантирадаган, мушкулларни осон қилиш йўллари очиб

берадиган томонлар ёрқин ифодасини топди. Масалан, Улугбекнинг шундай монологи бор:

Бизга лозим забардастлик, бирлик ва идрок,
Шу фурсатда аломонга галаён солиб,
Бизга қарши кўзгалганлар бизга дўст эмас,
Улар Темур хонадонин ёвуз душмани.
Бундай овоз зиндонлардан чиқмай бўғилар,
Мамлакатга урфон керак, илму маърифат,
Бош-бошдоқлик эмас, идрок, низом, фаросат.
Шундай қилса бориб-бориб равоқ топар юрт,
Биринчи гал ориф бўлса, султонлар ўзи,
Ғафлат кетиб, очилади улуснинг кўзи.

Қаранг, бу гапларни Улугбек тирилиб келиб, худди шу бугун айтаётгандай. Лекин фақат классик асарлар билан узоққа бориб бўлмайди. Чунки халқ ўз замондошини сахнада кўришни истайди. Шунинг учун шу кеча-кундуз кишиларининг ёрқин образи акс этган яхши асарларни кўпайтиришимиз керак.

— Турғунжон, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида санъатнинг роли қандай бўлишига тўғрисидаги фикрингизни билсак бўладими?

— Санъат ҳар жабҳада катта рол ўйнаб келган доим. Кишиларни адолат, элга садоқат ва иймон руҳида тарбиялаган. Эларга маданият ва маънавият улашган. Уруғлар, қабилалар, вилоятларни бирлаштирган, ўзаро меҳр-оқибат бахш этган ҳаммага. Ҳатто жингү жадал, қиргин-баротларда ҳам санъат аҳли



— Мумкин. Фақат ҳақиқий ижодий шароит яратилган жойдагина бурчга иштиек, меҳнат самараси юқори бўлади. Астойдил масъулият ҳис қилинган жойдагина шахсий манфаатдан умумий манфаат юқори кўйилади. Ўз меҳнатидан қониқиб хис қилинмайдиган муассасада меҳнатга иштиек, самарадорлик нима қилсин? Аксинча, жамоада ўзаро иттифок, ҳамжихатлик, муассасага меҳр йўқолади. Ахир мазкур атоқли театримиз Уйғур домла, Етим Бобожонов, Аброр Ҳидояттоев, Шукур Бурхонов, Олим Хўжаев, Обид Жалилов, Сора Эшонтўраева, Саъдихон Табибуллаев, Марьям Кузнецова, Назира Алиева, Зайнаб Садриева, Замира Ҳидояттоева сингари қанча-қанча машҳур арбобларни етиштириб, оламга танитмаган. Ўша пайтлар актёрлар театр деса ўзларини томан ташлашга тайёр турар эканлар. Уйлариға фақат бола-чақаларни бир кўришу андак мизғиб олиш учунгина борар эканлар, холос. Бутун умрлари театрда ўтар, репетиция, асар танлашлар, муҳокама қилишлардан қўллари бўшмас, ҳақиқий ижодий лаборатория мавжуд экан театрда. Бунақа вазиятда

зерикишларга, ҳафсала совиларга, ўз манфаатини умум манфаатлардан юқори кўйишларга, театрдан кетиб қолишларга ўрин қоладими? Ўз навбатида актёрлар ҳам ўз маҳоратлари, тажрибаларини ошириш ҳаракатида бўлишлари лозим. Чунки бугунги қобилият билан узоққа бориб бўлмайди. Уни доим тарбиялаш, ўқиш, ўрганиш, изланиш, тинмай машқ қилишлар туфайлигина эртага борсан, мухлисларинг олқишига сазоворсан. Ҳозирги кунда театримизга Ўзбекистон халқ артисти, "Саҳна тили"ни яхши биладиган, ҳар биримизнинг феъл-атворимизни яхши тушунадиган таниқли артист Ёқуб Аҳмедов раҳбарлик қилмоқда. Унинг ҳар жиҳатдан таҳсинга сазовор фаолиятдан барчамиз мамнунимиз. Лекин кундалик ташвишлар, хўжалик ишлари билан ўралашиб қолаётган бир пайтда театримизнинг бадий фаолияти жиҳатдан унга биринчи галда бош режиссёр суянчиқ бўлиши, умуман саҳна санъатининг ўзига хос томонларини ўйлаш унинггина вазифаси бўлиши керак. Бироқ, минг афсуски, бизнинг театрда бош режиссёр кўпдан бери йўқ даражада. Рустам Ҳамидов ярим ставкада ишлайди, холос. Ҳар бир актёр учун жон куйдирмай, уни ўз холига ташлаб қўйган бадий раҳбар — раҳбар эмас. Ижодий машғулотлар уюштириш, артистларга рол белгилаш, янги-янги асарларни муҳокамасини ўтказиш, ўқиши, ўрганиши устида бош қотиришлар ҳам унинг зиммасида.

Яқин-яқинларгача ҳам қўшни вилоятларга гастролларга чиқиб, янги сахналаштирган асарларимизни кенг омма ўртасида намойиш этиш анъанамиз давом этарди. Маҳаллий театрлар жамоаси устоз актёрлар маҳоратидан мактаб олиб, қайси ролни қандай ижро этишни ўрганишарди. Эндликда йўл қира, кийим-кечак, декорацияларни ташиб қимматлашиб кетганлиги сабабли бундай ҳосиятли ташаббуслар камайди. Шу туфайли сафарларимиз Тошкент вилояти атрофидан нарига чиқмаётир.

— Насиб этса, бу кунлар ҳам ўтиб кетиб, яна ишларингиз аввалгидай юришиб, бари ўрни-ўрнига тушиб кетса ажабмас.

— Айтганингиз келсин. Театримиз жамоаси аъзоларининг ақсарияти шу умид билан яшаб, меҳнат қилишмоқда. Миллий санъатимиз анъаналарини қайта тиклаш, миллий маданиятимиз шухратини кўз қорачигидай асраш билан сеvimли Академик театримиз донгини илгарингидай оламга таратиш учун астойдил ҳаракат қилаётганлар оз эмас ораимизда. Улар кишиларга катта умид, шодиеналик бахш этиш билан бирга эртанги кунни яқинлаштиришга муносиб ҳисса қўшаверадилар. Халқимизнинг олам-олам ниятларини рубега чиқариш, гўзалликка бўлган ташналигини қондириш учун ҳалол тер тўкиб, жонларини ҳам аямай, меҳнат қилаверадилар. Мен худди шулар қаторида хизмат қиламан. Ўттиздан ортиқ шогирдлар етиштирдим. Уларнинг кўпчилиги республикамизнинг турли театрларида етакчи ролларни ижро этиш билан ҳақли равишда халқнинг меҳрини қозонмоқдалар. Бу — менинг бахтим!

Сухбатдон: Жоғриқ АБДУЛЛАХОНОВ.



ВУ-МЕНИНГ БАХТИМ

ТУРГУН АЗИЗОВ 1934 йилда туғилган. Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати. Қўйидаги суҳбат унинг ижодий фаолияти ва театр санъати ҳақидаги шахсий мулоҳазалари хусусида боради.

алафни инсофу диенат сари йўллаган, матонат сари чорлаган. Санъатнинг чек-чегараси йўқ, миллат ҳам танламайди у. Унинг қудрати бекиес, хислати ниҳоятда буюқдир. Ҳозирги мураккаб даврда ҳам у ўз вазифасини бажариб, давр муаммоларини ечишнинг фаол иштирокчилари, матонатли, сабр-тоқатли бўлишга қорлаётганлиги сир эмас. Бугуннинг романтикасини сеза биладиган, эртанги кунларни яқинлаштириш курашчиларининг ички дунёсини очиб берадиган томонларини санаб саногига етмаймиз. Ҳар бир зайли замондаги каби бизнинг давр олий мақсадлари, ранг-баранг содирликлар ҳам бир умр тарихда қолади. Бу тарафдан санъатнинг аҳамияти каттадир. Шу аҳамиятни қадрлаш, маданият ва санъат қотиб қолмай фақат олға қараб жадал ривожланиши учун Ўзбекистон маданият вазиричилиги, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, раҳбарлари бирлашиб, ҳамкорликда фаолият юргизишлари, айниқса, ҳозирги кунларда жуда-жуда зарурдир.

— Одамларнинг санъатга бўлган муносабати-чи? Талабалик маҳаллар "ҳар бир спектаклни бир неча марталаб томоша қилар эдик", дедингиз, ҳозир ҳам шундайми?

— Саволингизга тушундим. Илгари кўп спектаклларга худди байрамга таралдув кўргандек, таралдувланиб бориларди. Ҳар бир томоша, ҳар бир артистнинг маҳорати устида ўйлаб, тонг оттирардик. Бир неча кунгача улар яратган образ, ҳар бир ижро таъсиридан кутулолмай юриларди. Спектакл кунлари ҳатто чипта тополмай қийналишарди одамлар. Ҳозир истаган маҳалингиз кассадан чипта топасиз. Корхона, ишлаб чиқариш муассасалари гуруҳ-гуруҳ бўлиб келишни уюштирмасе, ярим зал ҳам тўлмай қолишлари такрорланиб туради.

— Бунинг сабаби нимада?

— Бунинг сабабини кўплар ҳозирги таҳчиллик даврида одамлар тирикчиликка берилиб кетилганлигига йўйишади. Мен бу гапларга ишонмайман. Яхши спектакл бўлса, ҳар қандай шароитда ҳам театрға тушадиғанлар топилади. Бироқ, уларнинг талабларига жавоб берадиган, завк-шавқ бағишлайдиган, спектаклларимиз кам. Буни тан олмаслик мумкин эмас. Бунга биринчидан, юқори савияда ёзилган драматик асарлар камчилиги сабаб бўлса, иккинчидан, театримиз жамоасининг илгаригидай жон куйдириб ишламаслиги, ҳар бир образни юқори даражада талқин этишдан совуй бошлаганликлари сабаб деб ўйлайман. Шу жиҳатдан жамоа хўжаликларидан пул ўтказиш эвазига спектакл кўйиш йўлига ўтиб олганмиз. Театрнинг ўзида эса камдан-кам бўламиз. Натижада актёрлар ҳам ўз устларида ишлашларига имкон бўлмаётир. Чуқур мазмундор, юқори савиядаги асарлар эса саноклигина.

— Бунақада эрта-индин театр паққос бўшаб қолади-ку?

— Бу гапингизда жон бор. Кўпдан бери бизларни ана шу хил ташвишлар эзиб келади.

— Буни олдини олиш мумкин эмасми?

ХУШХАБАР КУТАМАН



Тошкент вилоятининг Кибрай туманидаги энг хушманзара богда "8 Март" санаторийси бор. Ўзбекистон касаб уюшмалари Федерациясининг Курортлар бирлашмасига қарашли бу оромгоҳга 12 йилдан бери раҳбарлик қилиб, обрў-эътибор топаётган шифокор Гулчехра Иброҳимова Наврўз кунлари бир гуруҳ ҳамюртларимиз қатори "Соғлом авлод учун" II даражали ордени билан мукофотланди.

— **Гулчехраҳон, ордени билан табриқлаймиз!**

— Раҳмат, хурсандман. Мен учун яна энг қувончли кун, энг катта мукофот ҳар йили шу ерда даволашиб кетаётган 3 мингга яқин аёлнинг жуда кўпчилиги "Мен она бўлдим!" деб хушхабар йўллаган кунларидир. Биласиз, уруш тугаган йиллари очилган бу санаторий Тошкент шаҳрининг Самарқанд дарвоза даҳасидаги бинода жойлашган, бор йўғи 120 ўринли эди. Бино эскирган, қайта жиҳозлаш имконияти йўқ эди. 1984 йили республикамиз касаб уюшмалари Кенгаши раҳбарларига мурожаат қилиб, баҳаво, кенг жой талаб қилдим. Ниҳоят, Кибрай қишлоғидаги дам олиш уйини ихтиёримизга беришди. Бир кун ичида кўчиб келиб, жиҳозладик. Не-не ташкилотларга бош уриб бўлсада замонавий асбоб-ускуналар сотиб олдик. Малакали шифокорларни таклиф қилдик. Биз асосан дори ва игналар билан эмас, халқ табobati усуллари ҳамда асал билан даволаймиз. Олой ва Жиззахдан шифобахш балчиқ олиб келамиз. Дорихонамиз мудирини Гофир ака Зокиров доривор тиеҳларни яхши билади, баҳор фасли ҳаммамиз тоққа чиқиб, ўт териб келамиз.

— **Раҳбарнинг энг яхши хусусиятини нимада деб биласиз?**

— Ишчи-хизматчилар, шифокорлар, ҳамширалардан иборат 80 кишилик жамоамизни

катта бир оила деб биламан. Шу оиладаги ўзаро муомалани, ҳар бир кишининг саломатлигини, ўз ишига масъулиятини чуқур ҳис қиламан. Ишчи-хизматчилар бу ерда дебепул овқатланиб, текинга даволанишлари ҳам мумкин. Яна энг муҳими республикамизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан даво истаб келган аёлларнинг бу ерда яхши дам олиб, шифо усулларидан танаси яйраб, мавжуд ҳар қандай хасталигидан фориғ бўлиб, руҳан бойиб янгилашиб кетишлари ҳақида ўйлайман ва барча ҳаракатимни шунга қаратаман.

— **Кечирасиз, Гулчехраҳон, оилангиз ҳақида икки сўз...**

— Турмуш ўртоғим Раҳмонберди ака ишларимга ёрдам, маслаҳат берадилар. У киши тиббиёт фанлари доктори, профессор. Травматология институтида ишлайдилар. Қизим Олмос ТошМИДа аъло баҳоларга ўқийди. Ойбек ўғлимиз ўрта мактабни битириш арасида. Инглиз тили бўйича вилоят олимпиядасида голиб чиқди.

— **Раҳмат, барча ишларингизга муваффақиятлар тилайман.**

Сўхбатдош: Санъат МАҲМУДОВА.

«ҒУНЧА» ОПА ОРДЕН ОЛДИ



Яйраҳондан нечта фарзанди борлигини сўрасангиз фахрланиб "санаб саногига етолмайман" деб жавоб қилади. Дарвоқе, каттакор республиканинг деярли ҳар бир жажжи болакайи уни танийди. Фақат сирдан танийди. Яйраҳон уларнинг ўзларини кўрмаса ҳам, сўзларини эшитиб туради доим.

— Опажон, журналли янги сони қачон чиқади? — деб телефон қилади улардан бири, — Ярим ойдан ошди, кемаапти-ку?

— Овгина сабр қилиб тур, болажоним, яқин ўртада оласан, — дейди Яйраҳон, ниҳоятда мулоимлик билан.

— "Ғунча" опа, — дейди яна бири, — аксарият унинг исмини билмаганлиги ваҳидан "опа" олдига журналнинг номини қўшиб мурожаат қилишди, — кўзичоқ ҳақидаги топшиқингизни топдим. Манга шунақаси жаям ёқади. Кўп-кўп шунақасидан ёзиб туринг.

— Хўп бўлади, қоқиндик, келаси сонда бундан ҳам қизини ўқийсан.

Телефон орқали ана шу хилдаги ўзаро мулоқотлар кунига кўп марталаб такрорланади. Богча ёшидагилардан тортиб, 3-синфда таълим олувчиларгача нималар қизиқтирмайди, дейсиз. Яйраҳон ҳаммаси билан хушмуомалада бўлиб, саволларига қониқарли жавоб топиб беришга ҳаракат қилади. Уларнинг бошини қотираётган айрим жумбоқларни ечишда ёрдам беради, йўл-йўриқ кўрсатади.

— Узим ҳам уларнинг ширин тилларини эшитишга ўрганиб қолганман, — дейди у мулоим қулиб, — бирон кун, ҳатто бирон соат телефоним жирингламай қолса, юрагимнинг бир чети ачишиб, каловланиб тураман. Ох, уларнинг ўзларига ҳос ўй-фикрлари, чулдур-чулдур гап-сўзларини тинглабасиз — дунёга келмабсиз. Худди сўлим тонг пайти деразангиз олдида живирлаган бесаноқ қушчаларнинг хоншиларини, баҳор чоғлари яшил тоғлар бағридан чулдираб оққан бесаноқ жилғаларнинг ёқимли садоларини эслатади. Тинглаб, роҳат топасиз. Улар билан гаплашиб туриб, ўзингиз ҳам бола бўлиб кетганингизни сезмай қоласиз. Ана шундай болаларнинг тилини, дилини билишга иштиёқманд бўлганлигимиз тўғрисида журналистларимиз эътибори улар ўртасида ҳазилакам эмас. Ҳар бир ҳодиса, воқеани ниҳоятда содда ва уларнинг онгига муносиб қилиб беришга уринамиз. Масалан, Ватанин севишни катталар ўзларига ҳос тилда ифода қиладилар, болакайларга эса бутунлай бошқача тил ва бошқача ифодалар билан сингдиришимиз керак. Бизда "Туроннинг буюк фарзандлари" ёки "Боболарингизни таниб олинг" деган руқнлар бор. Бу руқнлар остида республикамизнинг атоқли ки-

шилари, уларнинг ажойиб фазилатлари, мустақиллик ва миллий бойликларимиз тўғрисида жуда раво тил билан ва қисқа-қисқа материал беришга ҳаракат қиламиз. Соҳибқирон Амир Темурнинг тинчлик ва осойишталик ва миллатни бирлаштириш учун олиб борган курашлардан тортиб, Улуғбек, Бобур сингари саркарда ва олим уфузаларнинг мерослари, Алишер Навоий, Беруний сийғари мутафаккирларнинг ижодлари, маърифий ишлари ҳақидаги материалларни ҳам болаларнинг мушоҳадасига муносиблаб берамиз. "Олтин бисот — олмос бисот" руқни билан эса миллий аъналаримиз, урф-одатлар, қадимий ўйинларни қайта тиклаш йўллари тўғрисида фикр юритамиз. "Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади" дейдилар. Ҳар қандай масала ва муаммоларни ечишнинг, болаларда янгича дунё қарашга, кўп ўрганиш ва кўп билишга ўргатишни, келажакнинг мўътабар ва доно кишилари бўлиб етишишларини ўзига ҳос "қаловини" топиш билан ифода этишнинг аҳамияти катта. Фақат ҳар бир кўп урилган нарсасига бахшида этилгандек, бу борада ҳам юракнинг энг яхши бўлагини бахш этиш билан мақсадга эришиш мумкин.

Яйра Убайдуллаева Саъдуллаева 1958 йили Тошкент Давлат Университетининг журналистика бўлимини тугатиб, "Ёш ленинчи" (ҳозирги "Туркистон") газетасида адабий ходимликдан иш фаолиятини бошлади, сўнг шу газетанинг бош муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистон Ёшлар Ташкилоти Қўмитасининг инструктори бўлиб ишлаб, Мирзачўлни ўзлаштиришда ҳам фаол қатнашди. 1964 йилда эса "Гулхан" журнаliga бош муҳаррирлик қилди. 1971 йилдан бошлаб, мана, 23 йилдан бери Республикамиз болакайларнинг сеvimли журнали "Ғунча"га раҳбарлик қилиб келади. Бу беназир хизматлари эвазига Президентимизнинг куни кеча эълон қилинган Фармонига мувофиқ Яйраҳон Саъдуллаева "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирланди. Бу олий мукофот билан биз "Ишонч" газетаси жамоаси ва барча газетхонларимиз номидан қизгин табриқлаймиз. Республикамиз болакайлари ҳам билиб қўйишсин, уларнинг сеvimли "Ғунча" опалари ордени олди.

"Ишонч"нинг махсус мухбири.

АТОҚЛИ журналист ва машҳур таржимон Санжар Сиддиқов ҳақида раҳматли журналист Мумтоз Муҳамедов шундай ҳикоя қилган эди.

— Санжар акани 1925 йилда "Қизил Ўзбекистон" газетасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлаб юрган кезларидан яхши билардим. 1925 йилнинг охирида янги ташкил бўлган "Ер юзи" журнаliga ишга ўтиб, у ерда масъул котиблик қилди. Санжар ака қайси тахририятга ишга ўтмасин ходимлар у киши билан фахрланарди, ўткир таржимон катта танқидчи номини олган бу зотни ҳамма ҳурмат қиларди.

Янглишмасам, у 1930 йилларгача ЎзТАГда, "Инқилоб", "Туркистон", "Китоб ва инқилоб" деган газета-журналларда ҳам нуфузли ўринларда ишлаган. Айниқса, уни Бухорога юборишгача, у ерда "Озод Бухоро" газетасининг савиясини кўтаришда катта ишлар қилган эди. Бу одамнинг ёзган публицистик, танқидий мақолалари, айниқса тақрирлари жуда нишонга тегадиган бўларди. Шу сабабли Санжар Сиддиқ номида кам ёзарди. "Калтадум", "Газетчи", "Санжар", "С.С." каби таҳаллуслар билан кўпроқ чиқарди.

Бу одам ўта адолатпарвар, тўғри сўз инсон эди. Буни тенгдошлари соддаликка ҳам йўярдилар, айни чоқда бирсўзликка ҳам.

— Санжар Сиддиқ билан 1928—1936 йиллар орасида жуда кўп учрашганман, — дея ҳикоя қиладилар Аъзам Айюбнинг умр йўлдошлари Соҳибдаҳоним Носир қизи, — бу киши Аъзам акамнинг яқин ўртоқларидан бири эди. Оқ-сарикдан келган, боши катта, кенг пешонали, кўзлари қулиб турадиган, юзлари бироз чўзинчоқ, ўрта бўйли, ихчамгина киши бўлиб, "та-ак, демак" деган сўзларни кўп қўллардилар. Виқор билан салмоқлаб гапирардилар, кулсалар юракдан қаҳқаҳа отардилар. Қачон қарасангиз, қўлтирлари остида газета-журналлар буклоглиқ Аъзам ака билан олдинма-кетин юрарди. Ҳар шанба, дам олиш кунлари Намд Саид, Санжар Сиддиқ, Маннон Роиқ бизнинг ҳозирги Мустақиллик майдони ўрнидаги, Анҳорга яқин ерга жойлашган ҳовлимизга тўпланишарди. Мен буларнинг ораларида ўтган кўплаб сўхбатларда бўлганман. Улар ҳеч қачон беҳуда гап сотишмаган. Фақат таржима ишлари учун материал тўплаш, асар танлаш юзасидан: бунда кўпроқ бошқа миллатлар вакиллари томонидан ёзилган кулгили асарларни таржима қилишга келишларди. Айниқса, Н.Гоголнинг "Ревизор"ни Санжар ака таржима қилишини айтганида, Аъзам акамнинг бир гапи сира эсимдан чиқмайди: "Санжар, сан мунинг таржимасига ўзбекининг чуст дўпписини кийгизасан. Хлестаковнинг ўстидан кулмаган ўзбек қолмаса керак", деганларида, Намд Саид айтган эди: "Агар Санжар "Ревизор"ни ўзбеклар қорин ушлаб кулмайдиган қилиб таржима қилмасин-чи, ўзини ревизия қиламиз", деганлари ҳали ҳам эсимда туради. Кейинчалик бу кулгилар чинга айланиб, миллатчиликка йўналди.

Санжар ака бадний адабиёт таржимасига жуда уста эдилар. Снэсий адабиётларнинг зўр таржимонлари Намд Саид, Маннон Роиқ, Саидгани Валиевлар бўлсалар, бадний таржимада Санжар ака олдида тушадиган йўқ эди. Бу гаплар бор ҳақиқат. Аъзам акам эса кўпроқ снэсий адабиётлар таржимаси билан шугулланардилар.

Санжар Сиддиқ кўпинча, ҳатто ёзда ҳам кепка кийиб юрарди. Гапирганда доимо шеър айтиб, фикр беради. Бир келганларида

гаплашиб ўтириб, Аъзам акамга қараб Навоийнинг бир байтини айтиб, туриб, изоҳ бердилар. Байт шундай эди:

**Гар кучук бирла хўтиқни қанча қилсанг тарбият,
Ит бўлур, эшак бўлур, бўлмаслар асло одамий.**

дедилар-да, "ана буни ҳеч ҳам тарбиялаб бўлмади-да", деб қўшимча қилиб қўйдилар. Аъзам акам "ким у?" деган эдилар, у "Правда Востока" нгдаги Витанг" дедилар ва яна қўшиб қўйдилар: "Зиё Саид билан Назир Сафарнинг "Тарих тилга кирди" сидан бир бўлимини ўрисчага ағдариб бер, деган эди ағдардим. Элиб бердим. Ўзбекчага бир оғиз ҳам тушунмайди-ю, менга ақл ўргатади. Маҳаммад Ҳасанга айтиб қўйдим, "е бунга сабоқ бергин, ёхуд таёқ" деб...



ЭРК ЙЎЛИДА ФИДОШИЛАР

Мен аниқ биламан: Санжар ака ўша 20- ва 30- йиллардаги газета-журналларга бош муҳаррир бўлган эмас. Газета-журналларнинг юраги ҳисобланмиш — масъул котиб бўлиб ишлаган. Бироқ "Камбағал деҳқон", "Шарқ ҳақиқати", "Озод Бухоро", "Туркистон" газеталари ҳамда "Ер юзи", "Муштум" журналларининг ташкил бўлишида мутасаддилардан бўлган...

Эсимда, "Правда Востока"нинг муҳаррири Муҳаммад Ҳасанин қамашгандан сўнг орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмай, Санжар Сиддиқни қамашди. Бир ойдан сўнг Аъзам акамни ҳе йўк, бе йўк, ишдан бўшатишиб қўйишди. Биз қишлоққа-отаминикига кетсак, уймазга икки-уч кун кетма-кет орган одамлари келишиб сурштиришбди. Буни эшитган Аъзам акам тутоқиб кетдилар: Нима, мен ўғри ёки одам ўлдирибманми? дедилар-да, тўғри тегишли жойга бориб ўз оёқларидан илгинанлар. Шу-шу бошқа қайтиб келмадилар. Уша қамалишларидан бир ҳафталаб олдин менга ҳавотирланиб деган эдилар: "Соҳибдаҳон, "Миллий иттиҳод"нинг Ғоzi Олим, Фитрат, Чўлпон, Отажон Ҳошим, Элбек, Санжар, Қайюм Рамазон, Жулқунбой, Ғулом Зафарий, Шокир Сулаймон, Ашуралли Зоҳирий, Эсон Афанди, Шорасул Зуннуи, Мулла Беғижон Раҳмонов, Исмоил Садрни каби аълоларнинг пантуркист миллатчилар дейилган эмис. Файзулла Ҳўжаев билан Камол Ота Турк ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқ шу зараркунудалар орқали амалга оширилган, дейишганимиз"... Бундай гаплар тез-тез бўлиб турарди.

Хужжатларда Санжар Сиддиқнинг қораланишига тегишли

ҳисобланган унинг қатор мақолалари рўйхати ҳам бор. Жумладан, "Душманларимизнинг матбуоти", "Еруғлиқка чиққон юзлар", "Америкада Линч суди", "Колония кулларининг кўзголини", "Оққўл" диктатураси" кабилар. Бу мақолаларда олға сурилган тўғри фикрлар "тақрирчилар томонидан нотўғри, саёз ҳолда талқин этилган.

Айниқса, Санжар Сиддиқнинг "Китобхон" таҳаллуси остида ёзган, ўша снэсий бошқарма ходимларига ўқ бўлиб қадалувчи — шўроларга қарши аксиянқиллобий ташкилотнинг энг ҳавфиларидан саналган. Ёзувчи-ижодкорлар тўғрисида ҳақидаги 1928 йили "Қизил Ўзбекистон" газетасининг 15 ноябрь сонида босилиб чиққан "Қизил қалам" мажмуаси тўғрисида" деб аталувчи мақоласига "тақрирчилар" ўта тўқим табиатлилик билан баҳо беришиб, "бу мажмуа эмас, аксиянқиллобий буржуа ташкилот, бу ташкилотнинг ўта ҳавфли фаоллари Фитрат, Чўлпон, Элбек, Аъзам Айюб, Ботир, Усмон Носир, Комил Алиев, Анқобойлар. Булар орасида Санжар Сиддиқ ҳам бор. У ушбу мақоласида рамзий ҳолда бу миллатчилик ва аксиянқиллобий ташкилотларини рағбатлантирган..." дейишган. Бугина эмас. Санжар Сиддиқнинг фаолиятига баҳо беришда "ҳолис хизматчи"лар унинг таржимасида сахналаштирилган қатор сахна асарлари рўйхатини ҳам илова қилишиб кўнгиллари ўрнига тушган эди. Мана Ҳамза театри директори Горбунов иштирок этган йилгилининг 1937 йил, 10 сентябрдаги қарори:

"Бунда миллатчиликни ташвиқ этувчи, гоаяий чалқаш сахна асарлари спектакллар орасида қуйидагилар бор: Погодиннинг "Менинг дўстим", Лопе де Вегаининг "Қузибулоқ қишлоғи", Гольдонининг "Меҳмонхона хўжайини", М.Киршонининг "Чудесный слав", П.Фурманский, Я. Родиновларининг "Ван-ши-Бин", Н.Гоголнинг "Ревизор" спектакллари эди.

Атоқли маданият арбоби Санжар Сиддиқ ўзининг бадний таржимачилик соҳасидаги фаолияти домида Ас-Ҳабиб Вафронинг "Бомбей", Н.Зархининг "Шодлик кечаси", С.Третьяковининг "Наърангни торт, Хитой", Шота Руставелиннинг "Йулбарс терсини ёпинган пахлаван" каби машҳур асарларини, жаҳон адабиётининг буюк еиймолари Шекспир, Гёте, Гейне, Пушкин, Некрасов, Лев Толстой, Лермонтовларнинг кўплаб асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ағдарган эди.

Биз бундай мўътабар кишиларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

**Ҳайдарали УЗОҚОВ,
халқ таълими аълочиси.**

Ойнаи жаҳонда

МАРТ — АПРЕЛЬ

28 ДУШАНБА

18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви. **18.10** Футбол шарҳи. **18.20** Математика фанидан сиртқи олимпиада. **18.45** "Тошкентга марҳамат!". Телефильм. **19.00** "Ишбилармон". **19.25** Эълонлар. **19.30** "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** Эълонлар. **19.50** "Осойишталик посбонлари". Республика Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади... **20.10** Оқшом эртаклари. **20.25** Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти. **20.55** Эълонлар. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** "Ешлик" студияси. "Ботма, кўёш!". Публицистик кўрсатув. **22.20** "Кино усталари". Марям Ёқубова. **23.10** "Ўзбекистон" ахбороти. **23.30** "Кувондиқ Искандаров куйлайди". Фильм-концерт.

УзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** "Дехқон ҳиммати". **20.15** "Билиб қўйган яхши". **20.35** "Излаган имкон топади". **21.05** "Ўтмишсиз келажак йўқ". **21.35** "Сабр қосаси". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". **17.55** "Гол". **18.25** "Турмуш икир-чикирлари". Бадий телесериал премьераси. **40-серия**. **18.55** "Эркак ва аёл". **19.40** Хайрли тун, кичкинтойлар! **20.00** Янгилар. **20.30** "Спорт уик-энди". Сайланмалар. **20.45** "Кунлардан бир куни март ойида". **21.00** "Клио боғидаги сўхбат". **21.15** "Бетанкур ҳақида афсона". **21.45** "Иосиф Бродский. Шоир шоирлар ҳақида". **22.30** Рей Бредберининг Марс хроникалари. **23.00** Янгилар.

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00 — 18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.55 "Ҳар бир кун байрам". **19.05** Душанба куни детектив. "Корнуэль сири". Бадий фильм. "Эржюль Пуаро" сериалидан. **20.05** "Асил ҳолича". **21.00** "Петербург тарихи". Павел Луспекаев.

21.30 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
23.00 "Ўрмон жонзоти ҳақида кисса". Бадий фильм.

29 СЕШАНБА

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. **9.00** "Силовин овга чиқди". Бадий фильм. **10.20** Халқ миллий ўйинлари. **10.45** "Қачал полвон". Республика кўирчоқ театрининг спектакли. **18.00** "Бугун". Ахборот кўрсатуви. **18.10** "Кичкинтой" студияси. "Ўйна, Назокат!". **18.40** "Адолат". Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув. **19.25** Эълонлар. **19.30** "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** Эълонлар. **19.50** "Ўзбекистон чинини". Телефильм. **20.10** Оқшом эртаклари. **20.25** "Хотира". Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова. **20.55** Эълонлар. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** "Хилол" студияси намоён этиди. "Тилсим". **22.10** Шукур Холмирзаев. "Қора камар". Аброр

Ҳидоятлов номли Ўзбек драма театрининг спектакли. **23.35** "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти. (рус тилида). **19.45** "Суперспорт". **20.30** "Иқтисодий тараққиёт йўлидан". **21.10** "Учрашув". Наталья Нурмухамедова. "ОМАД" таништиради: **21.40** Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". **17.55** "Оддий Мария". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. **18.45** "Протокол сатрларида". **18.55** "Мавзу". **19.40** Хайрли тун, кичкинтойлар! **20.00** Янгилар. **20.30** "Бомонд". **20.45** "Останкино" телеканалда биринчи марта. "Панамадаги мушгашув". Бадий фильм (Франция, Италия, Жазоир, 1968 й.). **22.35** "Матбуот-экспресс". **22.45** "Абрамцево". Телефильм. **23.00** Янгилар.

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00 — 18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

"ОМАД" таништиради: **9.00** "Мультфейерверк". **9.30** "Курьер". **9.45** "Турли икир-чикирлар". **10.05** "Ҳар соҳадан бир шингил". **10.15** "Совга". **10.45** "Салом, ёшлар". **11.15** "Даракчи". **11.25** Эълонлар. **11.30** "Видео-О". **13.10** Эълонлар. **13.15** "Курьер". **13.30** Эълонлар. **13.35** Эълонлар. **14.00** "Видео-О".

17.00 — 19.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.20 "Ҳар бир кун байрам". **19.30** "Ҳеч ким унутилмайди". **19.35** Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм премьераси. **297-серия**. **20.30** "Формула-1" классида автопойга. Бразилия гран-приси. 1-қисм.

21.30 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
23.00 "Кечиккан пушаймон". Бадий фильм.

30 ЧОРШАНБА

7.00 — 9.15 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. **9.15** "Содиқ дўстим Санчо". Бадий фильм. **10.35** "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). **10.50** "Фан ва ишлаб чиқариш". **16.00** Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Пахтакор" — "Сўғдиёна". танаффус пайтида — Телефильм. **17.50** "Суварак". Мультфильм. **18.00** "Бугун". Ахборот кўрсатуви. **18.10** "Ешлик студияси". "Ғазалхон ёшлигим". **18.45** "Ўзбекистон табиати". Телефильм. **18.55** "Инсон ва қонун" почтасидан. **19.30** "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** Эълонлар. **19.50** "Ўзбекистон — Ватаним маним". Телефильм. **20.10** Оқшом эртаклари. **20.25** "Суянчим — шерьят". Зулфия Бобова. **20.55** Эълонлар. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** Тадбиркор минбари. **22.10** Замонавий ўзбек кўшиқларининг "Анор" телевизион танлови. **23.20** "Ўзбекистон" ахбороти. **23.40** Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Нурафшон" — "Нефтчи". 2-тайм. **00.25** Эртанги кўрсатувлар тартиби.

УзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** "Спирит". **20.10** "Ҳамкорлик уфқлари". **20.55** "02"

тўлкинида. **21.15** Камер куйларидан концерт. **21.45** "Комиссар Берлахнинг сўнгги иши". Бадий фильм.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". **17.35** "Оддий Мария". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. **18.30** "Қандай басавлат эркак...". М. Жванецкий. **19.40** Хайрли тун, кичкинтойлар! **20.00** Янгилар. **20.30** Режиссёр Л. Пчёлкин фильмларининг ретроспектив намоёниши. "Сухово-Кобилин иши". 2-фильм. **21.45** "Матбуот-экспресс". **21.55** Футбол. Чемпионлар лигаси. "Спартак" (Москва) — "Монако" (Франция). 2-тайм. "Лужники" Катта спорт майдонидан олиб кўрсатилади. **23.00** Янгилар. **23.35** "Дунё шаҳарларининг тунги ҳаёти". Лондон.

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00 — 18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.45 "Ҳар бир кун байрам". **18.55** "Антреприза". Мусавир А. Коженкова. **19.40** Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм премьераси. **298-серия**. **20.35** Футбол бўйича Россия чемпионати. "Динамо" (Москва) — "Текстильщик" (Камишин).

21.30 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
23.00 "Виждон амри билан". Бадий фильм.

31 ПАЙШАНБА

7.00 — 9.15 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. **9.15** "Мис тоғ бекаси". Бадий фильм. **10.35** "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). **10.50** "Сихат-саломатлик". **18.00** "Бугун". Ахборот кўрсатуви. **18.10** "Санотимиз одимлари". **18.45** "Кайфият". Дам олиш кўрсатуви. **19.25** Эълонлар. **19.30** "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** Эълонлар. **19.50** "Санъат олами". Саъдулла Абдуллаев. **20.10** Оқшом эртаклари. **20.25** "Юнус Ражабий". Телефильм. **20.55** Эълонлар. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** Бевосита мулоқот. **22.20** "Муסיқий чойхона". **23.20** "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** "Алоқалар ва шартномалар". **20.30** "Тошкент оқшомлари". "ОМАД" таништиради: **21.50** Эълонлар. "Кинонигоҳ".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
5.30 "Тонг". ...

18.05 "Оддий Мария". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. **18.55** Ю. Нагибининг муаллифлик кўрсатуви. **19.40** Хайрли тун, кичкинтойлар! **20.00** Янгилар. **20.30** "Останкино" телеканалда биринчи марта. "Сталиннинг дафн этилиши". Бадий фильм ("Мосфильм", 1991 й.). **22.20** "Матбуот-экспресс". **22.30** "Бу ҳаммаси джаз...". **22.50** "Авто-шоу". **23.05** Янгилар. **23.40** Футбол. Чемпионлар лигаси.

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00 — 19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
19.15 "Ҳар бир кун байрам". **19.25** Хонаки экран. "Санта-Барбара". Кўп сериали бадий телефильм премьераси. **299-серия**. **20.15** "Ўз-ўзига режиссёр". **20.50** "Ностальжи" — барча авлодлар муסיқаси.

21.20 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
23.00 "Керакли одам". Бадий фильм.

1 ЖУМА

7.00-9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. **9.00** "Шум бола".

Бадий фильм. **10.30** "Уорлднет" телекомпаниясининг янгилари (АҚШ). **10.45** "Ешлик" студияси. "Талабалик йилларим". **18.00** "Бугун". Ахборот кўрсатуви. **18.10** Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунчалари". **18.40** "Аския". Телефильм. **19.25** Эълонлар. **19.30** "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** Эълонлар. **19.50** "Аралаш". Ҳажвий киножурнал. **20.00** Дунё воқеалари. **20.10** Оқшом эртаклари. **20.25** "Созлар табассуми". Муסיқий кўрсатув. **20.55** Эълонлар. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** "Шунчаки ҳазил...". **22.30** "Омад ҳаммаша келавермайди". Бадий фильм. **23.45** "Ўзбекистон" ахбороти.

УзТВ II
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** "Турначалар". "Сен билан овга борамиз". Болалар учун фильмлар. **20.25** "Баҳор ўйинлари". Фильм-концерт. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** "Дерсу Узала". Бадий фильм. 1-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

5.30 "Тонг". **18.00** "Америка М. Таратута билан". **18.30** "Мўъжизалар майдони". **19.40** Хайрли тун, кичкинтойлар! **20.00** Янгилар. **20.30** "Ҳеч нарса ҳақида репортаж". **20.40** "Детективлар клуби" да. "Коплан". Беш сериали телевизион бадий фильм премьераси. 5-серия. **22.15** "Ҳафтанинг машҳур кишиси". **22.30** "Академия". Дам олиш кўрсатуви. **23.00** Янгилар. **23.35** "Матбуот-экспресс". **23.45** "Музобоз".

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.00 — 18.25
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.25 "Ҳар бир кун байрам". **18.35** Телеэкранда премьераси. "Қанотчаи, оёқчаи". Бадий фильм (Франция). **20.35** "Жентльменлар ҳузурда меҳмонда...".

21.15 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
23.00 "Кўл бўйида". Бадий фильм. 1-серия — "Ота".

2 ШАНБА

7.00 — 9.15 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. **9.15** "Мария Мирабелла Транзисторияда". Бадий фильм. **10.25** "Йўқдур менинг ўзга ёр билан ишим". Дониёр Топмухамедов куйлайди. **11.00** "Ешлик студияси". "Сиз борки...". **12.40** "Саховат". **13.15** "Театр ва томошабин". **18.00** "Қизил Яримой шўъласи". Ўткир зеҳнлилар мусобақаси. **19.00** Камонгарон тароналари. **19.25** Эълонлар. **19.30** "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** Эълонлар. **19.50** Дутор тароналари. **20.10** Оқшом эртаклари. **20.25** Мавлуда Самандарова куйлайди. **20.55** Эълонлар. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** "Кулги — дармон дейдилар". Республика қизиқчилар кўригининг ғолиби Худойберди Зиёдов. **21.55** "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

УзТВ II
19.30 Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида). **19.45** Болалар учун. "Бахт кулиб боқса...". **20.45** "Кулол Раим бобо". Телефильм. **21.00** "Ўзбекистон" ахбороти. **21.20** "Дерсу Узала". Бадий фильм. 2-серия.

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ

17.30 "Брейн-ринг". **18.20** "Ҳафтанинг аке садоси". **18.50** "Коламбия пикчерс" таништиради: "Қойилмақом жуфтлиқ". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 8-серия. **19.40** Хайрли тун, кичкинтойлар! **20.00** Янгилар. **20.30** "Коламбия пикчерс" таништиради: "Голиаф кутмоқда". Кўп сериали телевизион бадий фильм премьераси. 3-серия. **21.30** "Матбуот-экспресс". **21.45** Грэмми мукофоти тошпирилшининг 36-тантаналари. 1994 йил. Нью-Йорк. Танаффус пайтида (**23.00**) — Янгилар.

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
11.25 — 15.00

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
11.25 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". **11.35** "Сиёсий портретга чизгилар". Хусни Муборак. **11.55** "Дурдашен" телекомпаниясининг кўрсатуви (Ҳиндистон). **12.25** "Си-Эн-Эн" янгилари. **12.40** Бугунжаҳон сув куни. **13.25** "Умид" (уйғур тилида). **14.10** "Мозийдан ёғдулар". **14.45** "Бу ажиб дунё".

17.00 — 18.45
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.45 "Ҳар бир кун байрам". **18.55** Телеэкранда премьераси. "Сарраф". Бадий фильм. **20.30** "А" программаси.

21.30 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ.
23.00 "Кўл бўйида". Бадий фильм. 2-серия — "Қиз".

3 ЯКШАНБА

7.00 — 9.00 "Ассалом, Ўзбекистон!". Тонгги дам олиш кўрсатуви. **9.00** "Ешлик" студияси. "Зиё". **10.00** "Ватанимга хизмат қиламан". **10.30** "Маҳобҳорат". Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 60-61-сериялар. **12.00** Юнус Ражабий номидаги ёш мақомчилар танловининг ғолиби Азамат Отажонов куйлайди. **12.30** "Шоҳ Султон ҳақида эртақ". Болалар учун фильм. **13.25** "Халқ севган дostonлар". Абдуқаҳор Раҳимов ижросида "Алпомиш". **18.00** Мультфильмлар тўплами. **18.30** Ўмирлар учун. "Сеҳрли оҳанглар". **19.05** "Ойнаи жаҳонда". **19.25** Эълонлар. **19.30** "Ҳафтанома" (рус тилида). **19.55** Эълонлар. **20.00** Муқаррама Турғунбоева номидаги Ўзбек Давлат "Баҳор" рақс ансамблининг янги дастури. **20.55** Эълонлар. **21.00** "Ҳафтанома". **21.30** "Ешлик" студияси. "Оталар сўзи — ақлнинг кўзи". **22.50** "Ошиқ Гариб". Бадий фильм. **00.05** Янгилар.

УзТВ III
"ОМАД" таништиради:
17.00 "Совга". **17.30** Эълонлар. **17.40** "Видео-О". **19.20** Эълонлар. **19.30** "Курьер". **19.45** "Эм-ти-ви"дан муסיқалар. **20.05** "Ҳар соҳадан бир шингил". **20.15** Эълонлар. **20.25** "Даракчи". **20.35** "4/8". Муסיқий кўрсатув. **20.55** Эълонлар. **21.45** "Видео-О".

"ОСТАНКИНО" ТЕЛЕКАНАЛИ
17.45 "Сиз ёқтирган романслар ва кўшиқлар". И. Кобзон куйлайди. **18.05** "Аншлаг, Аншлаг". **19.05** "Останкино" телеканалда "Тэмс телевижн" ҳафталиги таништиради. **19.25** "Тэмс телевижн" таништиради: "Уй томон олис йўл". Телевизион бадий фильм премьераси. (Буюк Британия). **21.00** "Якшанба". Ахборот-публицистик кўрсатуви. **21.45** "Эфирда муסיқа". **22.45** Катталар учун мультфильм. **23.00** Янгилар. **23.15** "Фестиваллар намоёниши".

УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
11.10 — 15.00

"ЎЗБЕКИСТОН" ТЕЛЕКАНАЛИ
11.10 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар". **11.20** "Чинсэн" (корей тилида). **12.00** "Дидар" (қозоқ тилида). **12.40** "Дурдашен" телекомпаниясининг кўрсатуви (Ҳиндистон). **13.10** "Би-Би-Си" янгилари. **13.25** "Безнен мирас" (татар тилида). **14.05** Шарқ тароналари. **14.45** "Бу ажиб дунё".

17.00 — 18.55
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
18.55 "Ҳар бир кун байрам". **19.05** Киномарафон. "Мерос" ("Иккинчи хотин"). Бадий фильм (Франция — Венгрия). **21.10** "Ксюша ҳузурда".

21.40 — 23.00
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДИЕНИСИ
23.00 "Унутилмаган кўшиқ". Бадий фильм.

("Тошкентдан гапирмиш ва кўрсатмиш" дастуридан)

Ташкилот ҳар қандай янги ёки

фойдаланилмаган пресслаш, металл қирқиниш

асбоб-ускуналарини сотиб олади.

Воситачиларга ҳақ тўланади.

Соат 7.00 дан — 15 гача ва 21 дан-24гача

кўнғироқ қилиш мумкин.

ТЕЛЕФОН: 54-64-70.

Келинчақлар



ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИ ЎЙИНАРИ ЖАДВАЛИ

БИРИНЧИ ДАВРА

1 тур, 27 март (Якшанба)

- “Орол” (Нукус) —
- “Нефтчи” (Фаргона) —
- “Нурафшон” (Бухоро) —
- “Наврўз” (Андижон) —
- “Пахтакор” (Тошкент) —
- “Сурхон” (Термиз) —
- “Политотдел” (Тош.вил.) —
- “Сугдиёна” (Жиззах) —
- “Навбахор” (Наманган) —
- МХСК (Тошкент) —
- “Атласчи” (Марғилон) —
- “Янгиер” (Янгиер) —
- “Гулистон” (Гулистон) —
- “Трактор” (Тошкент) —
- “Темирўлчи” (Қўқон) —
- “Чирчиқ” (Чирчиқ) —

II тур, 30 март (Чоршанба)

- “Орол” — “Наврўз”
- “Нурафшон” — “Нефтчи”
- “Пахтакор” — “Сугдиёна”
- “Политотдел” — “Сурхон”
- “Навбахор” — “Янгиер”
- “Атласчи” — МХСК
- “Гулистон” — “Чирчиқ”
- “Темирўлчи” — “Трактор”

III тур, 10 апрель (Якшанба)

- “Нефтчи” — “Темирўлчи”
- “Наврўз” — “Гулистон”
- “Сугдиёна” — “Навбахор”
- “Сурхон” — “Атласчи”
- “Янгиер” — “Орол”
- МХСК — Нурафшон
- “Трактор” — “Политотдел”
- “Чирчиқ” — “Пахтакор”

IV тур, 13 апрель (Чоршанба)

- “Нефтчи” — “Гулистон”
- “Наврўз” — “Темирўлчи”
- “Сугдиёна” — “Атласчи”
- “Сурхон” — “Навбахор”
- “Янгиер” — “Нурафшон”
- МХСК — “Орол”
- “Трактор” — “Пахтакор”
- “Чирчиқ” — “Политотдел”

V тур, 24 апрель (Якшанба)

- “Пахтакор” — МХСК
- “Политотдел” — “Янгиер”
- “Навбахор” — “Наврўз”
- “Атласчи” — “Нефтчи”
- “Нурафшон” — “Чирчиқ”
- “Орол” — “Трактор”
- “Гулистон” — “Сугдиёна”
- “Темирўлчи” — “Сурхон”

VI тур, 27 апрель (Чоршанба)

- “Янгиер” — “Пахтакор”
- “Политотдел” — МХСК
- “Навбахор” — “Нефтчи”
- “Атласчи” — “Наврўз”
- “Нурафшон” — “Трактор”
- “Орол” — “Чирчиқ”
- “Гулистон” — “Сурхон”
- “Темирўлчи” — “Сугдиёна”



Суратларда: чанда

“Пахтакор” жамоасининг бош устози Рустам Акромов, пастда эса жамоа шарафини ҳимоя қилиш ишониб топширилган пахтакорчилар.
Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



VII тур, 8 май (Якшанба)

- МХСК — “Темирўлчи”
- “Янгиер” — “Гулистон”
- “Трактор” — “Атласчи”
- “Чирчиқ” — “Навбахор”
- “Сурхон” — “Нурафшон”
- “Сугдиёна” — “Орол”
- “Нефтчи” — “Политотдел”
- “Наврўз” — “Пахтакор”

VIII тур, 11 май (Чоршанба)

- “Гулистон” — МХСК
- “Темирўлчи” — “Янгиер”
- “Трактор” — “Навбахор”
- “Сурхон” — “Орол”
- “Сугдиёна” — “Нурафшон”
- “Нефтчи” — “Пахтакор”
- “Наврўз” — “Политотдел”
- “Чирчиқ” — “Атласчи”

IX тур, 5 июнь (Якшанба)

- МХСК — “Нефтчи”
- “Янгиер” — “Наврўз”
- “Пахтакор” — “Навбахор”
- “Политотдел” — “Атласчи”
- “Орол” — “Гулистон”
- “Нурафшон” — “Темирўлчи”
- “Сурхон” — “Чирчиқ”
- “Сугдиёна” — “Трактор”

X тур, 8 июнь (Чоршанба)

- МХСК — “Наврўз”
- “Янгиер” — “Нефтчи”
- “Пахтакор” — “Атласчи”
- “Политотдел” — “Навбахор”
- “Орол” — “Темирўлчи”
- “Нурафшон” — “Гулистон”
- “Сурхон” — “Трактор”
- “Сугдиёна” — “Чирчиқ”

XI тур, 19 июнь (Якшанба)

- “Трактор” — МХСК
- “Чирчиқ” — “Янгиер”
- “Гулистон” — “Политотдел”
- “Темирўлчи” — “Пахтакор”
- “Нефтчи” — “Сурхон”
- “Наврўз” — “Сугдиёна”
- “Навбахор” — “Орол”
- “Атласчи” — “Нурафшон”

XII тур, 22 июнь (Чоршанба)

- “Янгиер” — “Трактор”
- МХСК — “Чирчиқ”
- “Пахтакор” — “Гулистон”
- “Политотдел” — “Темирўлчи”
- “Нефтчи” — “Сугдиёна”
- “Наврўз” — “Сурхон”
- “Навбахор” — “Нурафшон”
- “Атласчи” — “Орол”

XIII тур, 2 июль (Якшанба)

- “Трактор” — “Наврўз”

- “Чирчиқ” — “Нефтчи”
- “Орол” — “Политотдел”
- “Нурафшон” — “Пахтакор”
- “Сурхон” — “Янгиер”
- “Сугдиёна” — МХСК
- “Темирўлчи” — “Атласчи”
- “Навбахор” — “Гулистон”

XIV тур, 6 июль (Чоршанба)

- “Трактор” — “Нефтчи”
- “Чирчиқ” — “Наврўз”
- “Орол” — “Пахтакор”
- “Нурафшон” — “Политотдел”
- МХСК — “Сурхон”
- “Янгиер” — “Сугдиёна”
- “Темирўлчи” — “Навбахор”
- “Атласчи” — “Гулистон”

XV тур, 13 июль (Чоршанба)

- “Пахтакор” — “Политотдел”
- “Орол” — “Нурафшон”
- “Чирчиқ” — “Трактор”
- МХСК — “Янгиер”
- “Сурхон” — “Сугдиёна”
- “Гулистон” — “Темирўлчи”
- “Нефтчи” — “Наврўз”
- “Атласчи” — “Навбахор”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИНинг МУСОБАҚАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ҚЎМИТАСИ.

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН
КАСАБА УЮШМАЛАРИ
ФЕДЕРАЦИЯСИ
КЕНГАШИ

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Рустам АБДУРАЗЗОҚОВ,
Акмал АКРОМОВ
(бош муҳаррир муовини),
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Дилбар ЖАҲОНГИРОВА,
Тургунбой МАДИЁРОВ,
Тургун НАЗАРОВ (масъул котиб),
Махаммадjon ОТАҚУЛОВ,
Мухайё ТЎЛАГАНОВА,
Раъно УБАЙДУЛЛАЕВА,
Баходир УМУРЗОҚОВ.



- Бош муҳаррир қабулхонаси — 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини — 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Касаба уюшмалари ва муҳбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Социал адолат, иқтисодий ҳаёт, маданият, маънавият ва хатлар — 56-87-78, 56-87-63
- Ишлаб чиқариш ва ҳўжалик — 56-85-43

ВИЛОЯТЛАРДАГИ
МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02
- Жиззахда — 2-31-41
- Навоийда — 3-52-99
- Наманганда — 6-22-10
- Нукусда — 2-44-46
- Самарқандда — 35-64-22
- Термизда — 2-70-07
- Тошкентда — 56-82-79
- Фарғонада — 4-28-29
- Урганчада — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71

• Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайди. Тахририят воситачилик қилмайди. Мақола-лардаги ҳамда реклама ва эълонлардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар ҳамда реклама ва эълон берувчилар зиммасидадир.

- Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.



- СОТУВДА эркин нархда.
- Шанба кунлари чиқади.
- Босишга топшириш вақти — 19.00. Топширилди — 19.00
- Навбатчи масъуллар:
Акмал АКРОМОВ,
Тожибой АЛИМОВ.
- МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри,
«Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- 80150 нусхада босилди.
- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.

• Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Матбуот Давлат қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган.

• IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми 2 босма табок.

• «Шарк» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили. «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

• Буюртма Г-816. 1 2 3 4 5-6